БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 245 (17.229). ● 25 октябрь 1978 йил, чоршанба ● Баҳоси 2 тийин

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА!

СЕРҚУЕШ ДИЕРИМИЗ ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОРЛАРИ РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТИ МУРОЖААТИГА АМАЛИЙ ИШ БИЛАН ЖАВОБ БЕРИБ, ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ ТОБОРА ҚИЗИТМОҚДАЛАР.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

1979 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатига тайёргарлик тўғрисида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «1979 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатига тайёргарлик тўғрисида»ги масалани кўриб чикди. Қабул қилинган қарорда қайд этилишича, Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси маҳаллий партия ва совет органларининг актив ёрдами билан Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатини ўтказишга тайёргарлик кўриш соҳасида катта иш қилмоқда. Рўйхатга олишни ўтказишнинг ташкилий планлари тузилди ва тасдиклади. Статистика органларининг рахбар ходимлари махсус курсларда ўқитилди, тегишли кадрлар танланмоқда ва тайёрланмоқда. Рўйхатга олиш билан боғлиқ масалалар юзасидан аҳоли ўртасида оммавий-тушунтириш ишлари кучайтириб юборилди. Шаҳарлардаги аҳоли яшайдиган жойларнинг рўйхати ва чегаралари асосан аниқланди, кўчаларнинг номлари, ҳовли-жой ва квартираларнинг номерлари тартибга солинди, аҳолини жорий ҳисобга олишнинг тўлалиги ва тўғрилиги текшириб кўрилди. Зарур картография материали тайёрланди, хонадонлар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг рўйхатлари солиштириб кўрилди.

Аҳолини рўйхатга оладиган ходимларнинг нормал ишлаши ва рўйхатга олиш материалларини сақлаш учун бинолар, ускуналар ажратилмоқда, транспорт ва алоқа таъминоти масалалари ҳал қилинмоқда. Маҳаллий статистика органлари рўйхатга олиш учун зарур ҳужжатлар ва воситалар билан тўлиқ таъминланди.

Ҳамма жойда тузилган аҳолини рўйхатга олишга кўмаклашувчи комиссиялар тайёргарлик тадбирларини амалга оширишда зарур ёрдам бермоқдалар. Республиканинг бориш қийин бўлган районларида аҳолини рўйхатга олиш муддатидан илгари тугалланди.

Шу билан бирга Марказий статистика бошқармаси органларининг умумдавлат аҳамиятига молик бўлган ана шу муҳим тадбирга тайёргарлик кўриш соҳасидаги ишда камчиликлар ва нуқсонлар бор. Чунончи, рўйхатга олиш иши билан шуғулланувчи асосий кадрлар — инструктор-контролёрлар ва ҳисобчиларни танлаш ва тасдиклаш иши суст олиб борилмоқда. Рўйхатга олувчи ходимларни ажратишга юзаки ёндашиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Ўтказиладиган аҳоли рўйхатининг вазифалари ва максадлари тўғрисида аҳоли ўртасида оммавий-тушунтириш ишлари қамма жойда ҳам актив равишда олиб борилябти, деб бўлмайди.

Айрим халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари ва уларнинг коммунал-уй-жой хизмати бўлимлари, аҳоли рўйхатига кўмаклашувчи комиссиялар шаҳарлардаги аҳоли яшайдиган жойларнинг кўча хўжалигида мунтазам равишда тартиб сакланишини суст кузатмоқдалар. Кўчаларнинг номларини тартибга солиш, уйлар ва квартираларни номерлаш ишлари ҳали тугалланганч йўқ. Бир қанча жойларда картография материаллари сифатсиз бажарилган. Баъзи районларда ва шаҳарларда рўйхатга олиш бўлимлари, участкаларнинг инструкторлари жихозланган бинолар, транспорт ва телефон алоқаси билан таъминланмаган.

Паспорт режимига риоя қилиш, туғилганлар ва вафот этганларнинг рўйхатларини тўла қайд этиш соҳасидаги бузилишлар бартараф этилмаган, бунинг окибатида аҳолининг механик ва табиий харакатини ҳисобга олишда ноаниқликларга йўл қўйилмоқда. Фарғона, Тошкент областларида ва Қорақалпоғистон АССРда ана шундай фактлар мавжуд.

Область, шаҳар, район партия комитетлари ва маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари рўйхатга тайёргарлик кўришга ҳали етарлича эътибор бермаяптилар, топширилган иш учун масъул бўлган кадрларга нисбатан зарур талабчанлик қилмаётирлар, меҳнат коллективларида ва гражданларнинг истиқомат жойларида оммавий-сиёсий ишларни суст олиб бормоқдалар, бўлажак рўйхатнинг аҳамиятини тушунтириш учун лекция пропагандасидан, оммавий ахборот воситаларидан тўлиқ фойдаланмаётирлар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область, шаҳар ва район партия комитетлари зиммасига аҳоли рўйхатига тайёргарликнинг борши устидан контролликни кучайтириш, рўйхат ходимларини ўз вақтида ва сифатли танлаш, тасдиклаш ва ўргатишга асосий эътиборни каратиш мажбуриятини юклади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партия комитетларига аҳоли ўртасида, хусусан истиқомат жойларида рўйхатнинг мақсад ва вазифалари, унинг сиёсий ва халқ хўжалигидаги аҳамияти тўғрисида оммавий тушунтириш ишларини яхшилаш чораларини кўриш, бунинг учун лекциялар, суҳбатлардан, матбуот, радио, телевидениедан шунингдек, виставкалар, витриналар, стендлардан ҳамда кўргазмали агитациянинг бошка шаклларидан кенг фойдаланишни топширди. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг рахбар ходимлари, шунингдек маданий оқартув муассасаларининг ходимлари, «Билим» жамиятининг аъзолари ва партия-совет активи кенг кўламда мана шу тадбирларда актив иштирок этишга жалб қилинсин.

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, халқ депутатлари область ва Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитетларига Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатини ўтказишга тайёргарликнинг аҳволи қандай эканлигинг ҳар бир район, шаҳар бўйича 1978 йил 15 ноябргача бўлган муддат ичида кўриб чиқиб, шу ишдаги камчиликларни бартараф этиш борасида зарур чораларни кўриш таклиф этилди. Рўйхат кадрларини танлаш ва тасдиклаш белгиланган муддатгача тугаллансин, рўйхатга олишни ўргатиш, тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш вақтида улар асосий иш жойларидан ўз вақтида озод қилинсин. Шу йил ноябрь ойи мобайнида шаҳарда истиқомат қилувчи кишиларнинг адресларини тартибга солиш ишлари бажарилсин. Янги қурилган уйжойлар мавжудлиги ва эски хонадонлар бузилганлиги муносабати билан шаҳарларнинг схематик планлари узил-кесил аниқлансин. Рўйхатга олишга кўмаклашувчи комиссияларнинг фаолиятини активлаштириш, рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш тадбирларини ўтказишга ва оммавий тушунтириш ишларига уларни кенг жалб этиш лозим. Қарорда таъкидланадики, шу йил 1 декабргача ҳамма жойда рўйхат олиш бўлимлари ва инструкторлик участкаларини зарур мебели ва телефон алоқаси бўлган бинолар билан таъминлаш, шунингдек улар учун рўйхатни ўтказиш ва бу ишни кузатиб чиқиш даврида уларга транспорт воситаларини ажратиб бериш керак.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига, республика, область ва район газеталарининг редакцияларига, УзТАГга Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларини мунтазам ёритиш таклиф этилди.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ. Ворошилов районидаги «Гулистон» совхозининг илғор механизатори Эшқул Тожибоев мавсумда 300 тонна «оқ олтин» териш мажбуриятини олган эди. Республика партия ва ҳукуматининг даъватқор Мурожаатидан руҳланган моҳир механизатор ўз агрегатини юксак унумларда ишлатиб, кунига 6—7 тонна пахта теряпти. Унинг шу кунгача терган пахтаси 150 тоннадан ошди. Суратда: пешқадам механизатор Эшқул Тожибоев.

К. Зайнаков фотоси.

5 700 000 ТОННА „ОҚ ОЛТИН" УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борши тўғрисида шу йил 24 октябрга бўлган МАЛЬУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий тайёрланедиган пахтага нисбатан процент ҳисобида).

Бухоро	0,85	93,83	1,20	92,08
Қашқадарё	1,50	92,07	2,11	80,87
Наманган	0,89	91,11	1,11	92,88
Фарғона	0,66	87,31	0,72	74,23
Андижон	0,87	85,08	1,22	90,96
Сурхондарё	1,14	83,95	1,12	81,31
Жиззах	1,94	80,91	2,02	91,62
Тошкент	1,20	79,31	1,29	76,13
Самарқанд	1,74	68,36	2,28	71,40
Сирдарё	1,78	66,04	1,72	70,28
Хоразм	1,69	53,38	2,91	47,23
ҚҚАССР	1,56	40,40	2,03	32,64
Республика бўйича:	1,25	78,10	1,62	75,91
Шу жумладан иккинчи толали пахта				
Бухоро	1,64	82,93		
Наманган	0,63	79,54		
Сурхондарё	1,55	67,88		
Қашқадарё	2,14	62,90		
Республика бўйича:	1,69	68,16		

ИККИНЧИ МАЖБУРИЯТ ҲАМ БАЖАРИЛДИ

АНДИЖОН. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Донгдор пахтакор Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маннон Жалолов раислик қилаётган Бўз районидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени «Партия XX съезди» колхози пахтакорлари натта галасани қўлга киритдилар. Улар йил бошида 1190 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олишга сўз беришган эди. Машъал хўжалик марди-майдонлари мажбуриятни Андижон областида биринчи бўлиб бажариб, ҳосилдорликни гектар бошига 45 центнерга етказишга аҳд қилишган эди. Аҳдига вафодор пахтакорлар куни кеча иккинчи мажбуриятни ҳам уддаладилар. Улкан ҳосилнинг 95 процепти бункерлардан тўкилди. Колхозда машина терими плани 166 процентга бажарилди.

Шонли партиямизнинг Октябрь Чақириқларидан руҳланган колхоз заршунослари далада қолган ҳосилни чамалаб кўриб, гектаридан олинадиган ҳосилни 50 центнерга кўтариш юзасидан учинчи мажбурият қабул қилдилар.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети корхоналари ва ташкилотларининг коллективлари КПСС XXV съезди қарорларини баҳара бориб ҳамда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 61 йиллигини муносиб кутиб олиш учун интилиб, маҳсулотни реализация қилиш ҳажми, хизмат кўрсатиш ва республика қишлоқ хўжалигини материал ва техника билан таъминлаш юзасидан ўн ойлик планни муддатидан барвақт —21 октябрда бажардилар.

Октябрь ойининг охиригача планга қўшимча равишда 7,6 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

* * *

Узбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлиги корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съезднинг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, социалистик мусобақани кенг авж олдириб, реализация қилинган маҳсулот ҳажми юзасидан ўн ойлик планни муддатидан барвақт — 23 октябрь куни бажардилар.

Корхоналарнинг коллективлари ой охиригача 2,5 миллион сўмликдан кўпроқ халқ истеъмол молларини қўшимча равишда реализация қиладилар.

Л. И. БРЕЖНЕВ:

ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИГА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН

СТОКГОЛЬМ. 21 октябрь. (ТАСС). Швециядаги «Корона» нашриёти «Л. И. Брежнев. Ҳаёт саҳифалари» китобини босмадан чиқарди. Китобда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг ҳаёт йўли, унинг коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишга қўшаётган жуда катта ҳиссаси, инсониятнинг тинчлиги ва социал тараққиёти учун тинимсиз кураши тасвирланган.

Китоб Л. И. Брежневнинг «Швед китобхонига» сарлавҳали сўзбошиси билан очилади. Л. И. Брежнев бундай деб ёзади: совет кишилари швед халқига, мамлакатингизга доимо дўстона туйғулар билан қараб келмоқдалар, биз сизнинг мамлакатингиз билан Советлар мамлакати дунёга келган дастлабки йиллардан бери яхши қўшниларча яшаб келяпмиз.

Совет Иттифоқи билан Швеция ўртасидаги муносабатлар турли ижтимоий системаларга мансуб давлатларнинг ҳар томонлама ва актив ҳамкорлигининг яхши намунаси десам, хато қилмайман, деб ўйлайман. Мамлакатларимизнинг ҳукуматлари, парламентлари, жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқалар, савдо-иқтисодий, маданий ва илмий алоқалар муваффақиятли ривожланмоқда. Совет Иттифоқи Швеция билан ана шундай ўзаро манфаатли яхши қўшничилик ҳамкорлигини чуқурлаштиришдан астойдил манфаатдор бўлиб, бу ҳамкорлик тағин ҳам бир текис барқарор бўлишига, ўзаро ишонч ва яхши ният вазнятида ҳеч монесиз ривожланишига муҳим аҳамият бермоқда.

«Корона» нашриётининг мамлакатингизда ушбу китобни нашр этиш истагини шведлар орасида совет халқи ҳаётига, унинг ўз мамлакати бахт-саодати, бутун дунёда тинчлик ва ялпи тараққиёт манфаатлари йўлидаги эўр бунёдкорлик фаолиятига қизиқиш пайдо бўлганлигининг ифодаси деб биламан.

Швеция ўтказаётган бетарафлик сиёсати Совет Иттифоқида юксак қадрланмоқда; бу сиёсат шимолий Европада тинчлик ва хавфсизликни сақлашга кўмаклашаётган муҳим омилларнинг бири бўлиб, халқаро майдонда ижобий роль ўйнамоқда. Биз Швециянинг инсоният учун муҳим бўлган қуролланиш пойгасини тўхтатиш проблемасига ижобий ва актив қизиқиш билан қараётганини мамнуният билан қайд этамиз.

Ҳозир қуролланиш пойгасини тўхтатишдан ҳам муҳимроқ халқаро сиёсий вазифа йўқ. Биз бу масаланинг ҳал этилишига жуда катта аҳамият бераяпмиз. БМТ Бош ассамблеясининг куролсизланишга бағишланган махсус сессиясида Совет Иттифоқи қуролланиш пойгасига халқаро турмушда чек қўйишни кўзда тутадиган кенг ва реалистик программани ўртага қўйди. Бизнинг йирик ҳарбий потенциалга эга бўлган давлатларнинг қурол-яроғлари ва қуролли кучларини бундан буён миқдор ва сифат жиҳатидан ўстиришни батамом тўхтатиш тўғрисидаги ташаббусларимиз ҳам ана шунга қаратилган. Шу муносабат билан биз, жумладан, ядро қуроли синовларини батамом тақиқлаш тўғрисида, ядро қуролининг ҳамма турларини ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва унинг запасларини аста-секин қисқартира бориб, бутунлай тугатиш ҳақида, ядро қуроли бундан буён тарқалишининг олдини олиш тўғрисида, оммавий қирғин қуролининг янги турлари ва системаларини яратишни тақиқлаш ҳақида ва айни шу мақсадга олиб борадиган бошқа бир қанча тадбирлар тўғрисида келишиб олишни муҳим деб ҳисоблаймиз.

Венада марказий Европадаги қуролли кучлар ва қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисида олиб борилаётган музокаралардаги кенг миқёсли ва конкрет таклифларимиз ҳам СССРнинг қуролланиш пойгасини тўхтатишга астойдил интилаётганлигидан далолат беради.

Ана шу тадбирлар бизнинг тинчлик ва ҳамкорликнинг эътиқодли курашчилари эканлигимиздан иборат яққол кўриниб турган ҳақиқатни яна бир карра тасдиқлайди. Швеция халқининг Совет Иттифоқи унга дўст давлат бўлиб келганлиги ва шундай бўлиб қолишига, планетамизнинг тинч ва бахтиёр келажаги учун кураш ишида бу давлатга таяниш мумкинлигига ишончи комил бўлаверсин.

Шу сатрларнинг муаллифи эса бутун совет халқи билан биргаликда тинчлик учун, хавфсизлик учун, халқлар ўртасида ҳамкорлик учун, жаҳон урушининг олдини олиш учун курашга ўзининг бутун кучини бундан буён ҳам сарфлайверади.

«Корона» нашриётининг директори Н.-О. Янсеус «Л. И. Брежнев. Ҳаёт саҳифалари» китобининг чиқиши муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган нутқида ҳозирги замоннинг атоқли давлат ва сиёсат арбоби, тинчлик учун толмас курашчи Л. И. Брежневнинг китоби Швеция халқи билан Совет Иттифоқи халқи ўртасидаги ҳамжиҳатликни чуқурлаштиришга хизмат қилади, деб ишонч билдиди.

Швеция жамоатчилиги ва матбуоти китоб чоп этилганлигини тинч-тотув яшаш принциплари асосига қурилган швед—совет муносабатларини ривожлантиришдаги муҳим воқеа деб баҳоламоқдалар.

Л. И. БРЕЖНЕВ АҚШ ДАВЛАТ СЕКРЕТАРИ С. ВЭНСНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 23 октябрь куни Кремлда АҚШ давлат секретари С. Вэнсни қабул қилиб, у билан суҳбатлашди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико қатнашди.

Суҳбат чоғида СССР билан АҚШ ўртасида стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисида битим имзолашга тааллуқли масалаларни муҳокама қилишга асосий эътибор берилди. Ҳар икки томон Москвада шу масалалар юзасидан бўлиб ўтган музокараларнинг фойдали ва амалий эканлигини қайд этиб, битимнинг тез имзоланишини таъминлаш учун бутун куч-ғайратни сарфлашга ва бу муҳим ишни пировардига етказишга аҳд қилганлигини билдирди.

Иккала томон қурол-яроғларни чеклаш ва қуролсизланишнинг бошқа масалаларни юзасидан конкрет аҳдномаларга эришиш мақсадида шу масалалар борасида ўтказилаётган музокараларда силжишга эришишга кўмаклашиш ниятида эканлигини ҳам изҳор этди.

Л. И. Брежнев кейинги вақтларда Совет—Америка муносабатларида пайдо бўлган салбий ҳолларга эътиборни каратиб, СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни тенглаштириб олиш, шу муносабатларнинг муттасил ривожланишини таъминлаш иккала мамлакат халқларининг манфаатларига, халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштириш ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш мақсадларига мос бўлиб тушар эди, деб таъкидлади.

Суҳбатда Совет томонидан — СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, СССР Қуролли Кучлари Бош штабининг бошлиғи Совет Иттифоқи Маршали Н. В. Огарков, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Г. М. Корниенко, СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров;

Америка томонидан — АҚШнинг қуролсизланиш ва қурол-яроғлар устидан контроллик қилиш агентлиги директори П. Уорнке, АҚШнинг СССРдаги элчиси М. Тун ҳам иштирок этдилар.

А. Н. КОСИГИН ЭЛЧИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ПХРнинг Совет Иттифоқидаги элчиси К. Ольшевскини 23 октябрь куни Кремлда қабул қилди.

Бўлиб ўтган дўстона суҳбат чоғида ҳар икки томонни қизиқтирувчи масалалар кўриб чиқилди.

(ТАСС).

СОВЕТ—АМЕРИКА МУЗОКАРАЛАРИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан АҚШ давлат секретари С. Вэнс ўртасида музокаралар 23 октябрда Кремлда давом эттирилди. Стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги шартномани тайёрлаш муносабати билан шу масалаларни ўзаро мақбул тарзда ҳал этиш йўлларини [illegible] келишиб олинмаган конкрет масалалар яна қараб чиқилди. СССР билан АҚШ ўртасида ёки уларнинг иштирокидаги музокараларда муҳокама қилинаётган қуролларни чеклаш ва қуролсизланишга доир бошқа масалалар ҳам тилга олинди.

* * *

А. А. Громико шу куни С. Вэнс шарафига нонушта зиёфат берди.

Зиёфат вақтида А. А. Громико билан С. Вэнс қисқача нутқ сўзлаб қадаҳ кўтардилар. Улар ўз нутқларида бўлиб ўтган музокараларни фойдали ва ижобий деб таърифладилар ва стратегик қуролларни чеклаш юзасидан шартнома тузишни тугаллаш мақсадида музокараларни давом эттириш керак, деб айтдилар.

(ТАСС).

МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

АҚШ давлат секретари Сайрус Р. Вэнс 24 октябрь куни Москвадан жўнаб кетди.

АҚШ ва СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида С. Вэнсни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

Сайрус Вэнс аэродромда журналистлар ҳузурида гапириб, Москвада олиб борилган Совет — Америка музокаралари фойдали ва ижобий бўлди, деди. Мен Москвадан учиб кетар эканман, деди у, меҳмондўстликлари ва самимият билан кутиб олганликлари учун Л. И. Брежневга, А. А. Громикога ва бошқа совет раҳбарларига миннатдорчилигимни изҳор қиламан. Аввало уларнинг музокараларга самимий ва жиддий муносабатда бўлганликлари учун катта ташаккур биллираман.

Давлат секретари сўзини давом эттириб, бундай деди: мен Вашингтонга боришим биланоқ музокараларнинг натижаларини АҚШ президентига маълум киламан.

Сайрус Вэнс музокараларда ҳар икки мамлакатнинг энг ҳаётий манфаатлари тўғрисида гап борди, деб таъкидлади. Келажакда тузиладиган битим, деб уқтириб ўтди у, адолатли битим бўлиши керак. Ҳар икки томон бу вазифани ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшди.

(ТАСС).

САНОАТЧИЛАР ЗАФАРИ

Андижон областидаги саноат корхоналарининг коллективлари Улуғ Октябрнинг 61 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш юзасидан ўн ойлик планни 20 октябрь куни бажардилар.

Ой охиригача қарийб 22 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот реализация қилинади.

ПАРТИЯНИНГ ЖАНГОВАР ЁРДАМЧИСИ

ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИГА СОДИҚМИЗ

Ленин комсомоли Советлар мамлакати тарихида революцион, жанговар ва меҳнат шон-шуҳратининг мангу ўчмас саҳифаларини яратди. Коммунистик партия тевараги-га жипслашган, унинг тажрибасидан ва ҳаётбахш гоя-ларидан сабоқ олган, Ленин партиясининг кураш ва ғалабаларга бой шонли йўлидан руҳланган комсомол бугун коммунистик қурилишда, КПСС XXV съезди қарорларини, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун умумхалқ қурашида фаол қатнашмоқда, коммунистик қурилишга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда.

Ўнинчи беш йилликнинг зарбдор йили мамлакатимиз ёшлиги учун роят унутилмас воқеаларга бой бўлди. Бу йил Ленин комсомоли тарихида ВЛКСМ XVIII съезди, жаҳон ёшлари ва студентларининг XI фестивали йили, комсомолнинг шонли юбилейи нишонланган йил сифатида тарихга киради. Мамлакатимиз йигит-қизлари ана шу шонли воқеаларни меҳнатда улкан бунёдкорлик ишлари билан, ижтимоий ҳаётда мисли кўрилмаган активлик билан муносиб равишда кутиб олдилар. Улар ёшлик ғайратини, ташаббуси ва изланишини коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини бажаришга сафарбар этмоқдалар.

Гражданлар уруши жангларида чиниққан йигит ва қизлар ишчи ва деҳқон ёшлари Союзларининг биринчи Бутунроссия съездига тўпланган ўша тарихий кундан буён 60 йил ўтди. Ўшанда ёшлар ўзларининг янги типдаги — мақсад ва вазифаларига кўра коммунистик, кураш характерига кўра сиёсий, составига кўра бағоят оммавий ташкилотларини тузишга қарор қилдилар. Ёшларнинг бу ташкилоти ўз фаолият принциплари, иш форма ва методларига кўра ўз-ўзини бошқарувчи чинакам оммавий ташкилот бўлиб қолди. 1918 йил октябрининг ўша тарихий кунларида курашаётган Россиянинг навқирон фарзандларидан 22 мингдан эзёд йигит-қизни бирлаштирган ёшлар Союзларининг 195 вакили биринчи съездга тўпланди. Бу йил, ВЛКСМ 60 йиллигини нишонланадиган йилда эса комсомолларнинг 38 миллионлик армияси вакиллари бўлган 4981 йигит ва қиз ёшлар ташкилотининг XVIII съездига тўпланди. Кўрниб турибдики, шу йиллар ичида Ленин комсомоли ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди. Унинг сафлари бекиёс даражада ўсди. Ҳозир комсомол совет халқининг ягона сафида коммунизмнинг ёркин идеаллари тантанаси сари дадил бормоқда.

ВЛКСМ она-Ватанимиз билан бирга ўсди, камол топди. Комсомол тарихининг ҳар бир саҳифаси Ватанимиз тарихи. Коммунистия партия тарихи билан чамбарчасдир. Партия ҳамиша комсомолни гамхўрлик билан тарбиялаб келди. Курашларда чиниққан Ленин комсомоли партиянинг жанговар резерви, ишончли ёрдамчисига айланди. «Комсомол — ажойиб сиёсий мактаб бўлиб қолди! — деб таъкидлаган эди ўртоқ Л. И. Брежнев. — Бу мактаб бизнинг ҳаммамизга жуда кўп нарса ўргатди! Комсомол мактабидан коммунизм иши учун курашувчи қанчадан-қанча активлар, индустриал ва қишлоқ хўжалик меҳнатининг бутун мамлакатга довруғ ёйган қанчадан-қанча усталари, партиямиз билан давлатимизнинг қанчадан-қанча таниқли арбоблари атоқли олимлар, конструкторлар, саркардалар, адабиёт ва санъат донишмандлари етишиб чиқди! Шу сабабли... ҳаммамиз қалб тўлқини билан: раҳмат сенга, жанговар ёшлигимизнинг шонли байроғи! — деб айтамиз. Раҳмат сенга, революцион ғайрат-шижоати, новаторлик завқ-шавқи, чексиз ёшлик куч-ғайрати жўш уриб турган ёш ленинчилар иттифоқи! — деб айтамиз».

Комсомолнинг камолот йўли партия иши, мамлакатимизда социализм ва коммунизм ғалабаси учун фидокорона кураш йўлидир. Комсомолнинг бутун тарихи Ленин номи билан, марксизм-ленинизм ғоялиб таълимоти

(Давоми учинчи бетда).

ПАХТА УЧУН КУРАШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛА

Бутун ҳосилни охирги кўсагигача йиғиб олиш, ҳар бир колхоз, ҳар бир совхоз ва ҳар бир районнинг ўз мажбуриятларини адо этишини таъминлаш энг муҳим бурчимиздир.

(ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ МУРОЖААТИДАН).

НАМАНГАН ОБЛАСТИ. Косонсой районидаги Худойбердиев номли совхоз заршуносларн мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар. Пахта теримида турсунойчи Назира Акромова, Малика Мирзаева, Кимё Бобохўжаевалар пешқадамлик қилишяпти. Уларнинг ҳар бири кунига хирмоқга 5-8 тоннадан пахта тўниб, юксак марралари сари тобора қиқилашишяпти. Суратда: моҳир механизатор Кимё Бобохўжаева.

Ҳ. Хайдаров фотоси (ЎзТАГ).

ЗАДАРЁЛИКЛАР ЗАФАРИ

ЗАДАРЕ РАЙОНИДА 60 МИНГ ТОННАЛИК «ОҚ ОЛТИН» УЧУН КУРАШИЛМОҚДА

Қўриқ Задарё райони заршуносларн КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларини ҳаётга амалга ошира бориб, ажойиб меҳнат ғалабасига эришдилар. Она-Ватанга 49,4 минг тонналик знёд «оқ олтин» армуғон этилиб, халқ хўжалик плани шараф билан бажарилди. Ҳар гектар ердан 28,6 центнердан ҳосил олинди. Тайёрланган пахтанинг ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинди. Машина теримида катта бурилиш ясалди. Ялпи ҳосилнинг 94 проценти «зангори кема»лар ёрдамида йиғиштириб олинди.

Бу улкан муваффақиятга Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг оталарча ғамхўрлиги, партия аграр сиёсатининг изчил амалга оширилиши туфайли эришилди. КПСС Марказий Комитети тарихий июль Пленуми ҳужжатлари район пахтакорларига янги куч ва ғайрат бахш этди. Улар ноқулай об-ҳаво шароитида юз берган қийинчиликлари фан ва илғор тажриба ютуқларига таянган ҳолда енгиб ўтдилар. Район партия комитети, унинг бюроси бошлаётган партия ташкилотларида, барча меҳнаткашлар орасида ташкилотчилик ишлари савиясини оширишга алоҳида эътибор берди. Кадрларга нисбатан талабчанлик кучайтирилди. Халқ хўжалигининг ҳамма поғоналарига партиявий таъсир кўрсатиш, моддий-маънавий рағбатлантириш бир-бирига боғлаб олиб борилди.

Эрта баҳорданоқ тўзаларни машина теримига мослаб ўстиришга эътибор берилди. Чунки райондаги колхоз, совхозларда ишчи кучи кам. Ҳар бир ишловчига ўртача 4 — 5 гектар ер тўғри келади. Биз техника қудратига таянган ҳолда иш юритдик. Дефолиация энг қулай агротехника муддатларида сифатли қилиб ўтказилди. Бир группа механик-ҳайдовчиларимиз ҳар бир теримн агрегатининг иш унумини ошириш, техника қувватидан ҳар қачонгидан ҳам самарали фойдаланиш юзасидан областдаги барча ҳамкасбларига мурожаат билан чиқдилар. Бу ватанпарварлик ҳаракати область партия комитети бюроси томонидан қизғин маъқулланди.

Пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик кўрилгани ва терим суръатини тезкорлик билан олиб боришга ёрдам берди. Райондаги «Наманган», «Украина» совхозлари, Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Гигант», «Комсомол», Навоий номли, Ильич номли колхозларинг деҳқонлари пахта тайёрлашни ошириб бажариш билан бирга дастлабки социалистик мажбуриятларини ҳам барвақт адо этдилар. «Гулбоғ» совхози 13,3 минг тонна, «Правда» колхози 5,8 минг тонна пахталари билан халқ хўжалик планининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшдилар. Бу йил йиғим-терим ишлари ипатоволиклар тажрибаси асосида олиб борилди. 72 терим-транспорт отрядида 300 пахта териш машинаси ишлади. Машина терими плани 114 процент қилиб адо этилди. Ҳар бир терим агрегатининг ўртача иш унуми 162 тоннани ташкил қилди. Ильич номли колхоздан А. Қодиров 545 тонна, «Оқ олтин» совхозидан С. Киромиддинов 510 тонна, Навоий номли колхоздан А. Эралиев 480 тонна, «Гулбоғ» совхозидан А. Ўринов 408 тонна, «Наманган» совхозидан Б. Тоштемиров 400 тоннадан ошириб пахта териб, бошқаларга намуна бўлдилар.

Районимиз меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳамма колхозчиларга, совхоз ишчиларига, механизаторларга, қишлоқ хўжалик мутахассисларига, республикамизнинг барча меҳнаткашларига Мурожаатидан руҳланиб, бутун куч ва имкониятларини йиғим-теримга сафарбар этмоқдалар, бир мисол ҳам «оқ олтин»ни ерда қолдирмаслик учун курашмоқдалар.

Районимиз заршуносларн ўз имкониятларини ҳисобламоқдалар, давлатга яна 10,6 минг тонна «оқ олтин» сотиш ва ялпи ҳосилни 60 минг тоннага етказиш мажбуриятини олдилар. Бу мажбуриятни марди майдон пахтакорларимиз Улуғ Октябрь байрами кунигача шараф билан бажарадилар ва келаси йил мўл ҳосили учун пухта замин яратадилар.

Ў. ХОЛДОРОВ,
Задарё район партия комитетининг биринчи секретари.

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

БЕКОБОД («Совет Ўзбекистони» мухбири). Райондаги «Ленинград» совхози янги ўзлаштирилган ерларда ташкил килинган кенжа хўжалик ҳисобланади. Совхоз чўлқуварлари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларига жавобан бу йил далаларда фидокорона меҳнат қилиб, пахтадан мўл ҳосил етиштиридилар. Ҳосил йиғим-теримн жиззахликлардан намуна олиб, ипатоволиклар методи асосида ташкил этилди. Терим агрегатлари юқори унум билан ишлатилди. Шу туфайли пахта таёрлаш юзасидан белгиланган халқ хўжалик плани муддатидан илгари адо этилди. Давлатга 3750 тонна аъло сифатли «оқ олтин» топширилди. Унинг асосий қисми машиналар билан терилди.

Эришилган ғалабага планни жуда барвақт бажариб, ҳозир социалистик мажбурият ҳисобига пахта топшираётган ва ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга етказиш учун курашаётган Мақсуда Мирвалиева, Бобоёр Ёқубов бошлиқ бригадаларинг коллективлари муносиб ҳисса қўшдилар. Қолдибек Маликов, Мухтор Муҳаммадиев каби илғор механик-ҳайдовчилар шу кунгача бункердан 120—130 тоннадан пахта тўкиб, механизаторлар мусобақасида пешқадамлик қилмоқдалар.

Ҳали далада ҳосил кўп. Уни йиғиб-териб олиш ва давлатга мажбурият ҳисобига пахта топшириш қизғин давом эттирилятпи. Совхоз пахтакорлари ўз имкониятларини чамалаб кўриб давлатга яна 1250 тонна пахта топшириш ва ялпи ҳосилни 5000 тоннага етказиш ҳақида сўз бердилар.

Я Н Г И Р Е Ж А Л А Р

Совхозимиз механизаторлари республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатини тўлқинланиб тингладилар.

Мурожаат биз, дала меҳнатчиларини, айниқса, механизаторларни терим машина-механизмларининг ниҳоятда самарали ишлашини таъминлашга, барча подборшчиклар, кўрак териш машиналари ва кўрак чўвиш машиналарининг ҳаммасидан унумли фойдаланишга даъват этмоқда. Биз бу вазифани бажарамиз!

Совхозимиз пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини областда биринчилар қаторида бажарди. Давлат хирмонига 10.500 тонна пахта етказиб берилди, ҳар гектар ердан 32 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Ҳосилнинг 80 процентдан кўпроғи машиналар билан терилди. Шахсан мен ўзим беш йиллиннинг учинчи йили учун зиммамга олган мажбуриятни муддатидан илгари бажардим. «Ўзбекистон» машинаси бункеридан 405 тонна пахта тўкдим.

Далаларда ҳали пахта бор. Хўжалигимиз механизаторлари Мурожаатга жавобан яна 6.800 тонна пахта теришга, ҳосилдорликни гектар бошига 45-50 центнерга етказишга аҳд қилдилар. Мен 7 ноябрга 600 тонна пахта тераман. Бошқа механизаторлар ҳам янги марраларни белгилаб олдилар.

Аҳмад ҲАМРОЕВ,
Ромитан районидаги «Ромитан» совхозининг механик-ҳайдовчиси, республиканда ҳизмат кўрсатган механизатор.

Александр Степанович АБДАЛИН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Александр Степанович Абдалин узоқ давом этган касалликдан сўнг 1978 йил 23 октябрда вафот этди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг содиқ фарзанди, қобилиятли ташкилотчи, толмас меҳнатчи, сезгир ва меҳрибон ўртоқ орамиздан кетди.

А. С. Абдалин 1906 йил 25 декабрда Саратов область Балашов районидаги Хмелинка қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Меҳнат фаолиятини 1922 йилда ишчиликдан бошлади. 1923 йилда комсомол safiga кирди, 1930 йилдан буён КПСС аъзосидир.

А. С. Абдалин Ўзбекистон ССРда раҳбар партия ва совет ишида 40 йилдан кўпроқ хизмат қилди, шу жумладан салкам 13 йил Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратида инструктор, бўлим мудирининг ўринбосари, бўлим мудири бўлиб ишлади. Фарғона ва Тошкент область партия комитетларининг иккинчи секретари қилиб сайланди. 1963 йилдан буён Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари бўлиб ишлади.

А. С. Абдалин ўзининг толмас фаолияти, зўр ташкилотчилик қобилияти, кишиларга нисбатан сезгир муносабатда бўлиши, принципиаллиги ва ғоят камтарлиги туфайли республика меҳнаткашлари орасида жуда катта обрў-эътибор қозонди. У социалистик ва коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида, партия юборган, коммунист қалби чорлаган ҳамма жойда бутун куч ва билимини сарфлаб, фидокорона меҳнат қилди.

А. С. Абдалин ўзининг амалий ишини кенг қўламдаги жамоатчилик фаолияти билан бирга қўшиб олиб борди. У бир неча бор Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланди. III—IX чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати бўлди, кейинги йилларда Табиатни муҳофаза этиш республика жамиятига бошчилик қилди.

Партия ва ҳукумат А. С. Абдалиннинг хизматларини юксак баҳоладилар. У Октябрь Революцияси ордени билан, бешта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Қизил Юлдуз ва «Ҳурмат Белгиси» орденлари ҳамда кўпгина медаллар билан мукофотланди.

Партия ва халқнинг содиқ фарзанди, оташин коммунист ва ватанпарвар, толмас меҳнатчи ва дилкаш инсон Александр Степанович Абдалиннинг порлоқ хотираси қалбимизда ҳамиша сақланади.

Ш. Р. Рашидов, И. Г. Анисимкин, С. Е. Белононко, Л. И. Греков, И. Р. Курбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Ҳўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Қ. Камолов, Н. М. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, С. М. Мамарасулов, М. Д. Мухортов, М. Т. Турсунов, А. Р. Ҳўжаев, С. Ҳ. Сирожиддинов, К. Рзаев, Ҳ. М. Пўлатова.

АҲИЛЛИК ШАРОФАТИ

Терим-транспорт отрядимизнинг аъзолари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг республиканинг барча меҳнаткашларига Мурожаати билан зўр эътибор бериб танишиб чиқдилар. «Ҳосил даъват этмоқда: ҳамма пахта терилсин!» деган чақириқ ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Пахта — бизнинг бойлигимиз, иқтиқоримиздир. Шу йилнинг кеч етилган ва машаққат билан етиштирилган ҳосилини қисқа муддатларда нобуд қилмай йиғиб-териб олиш, Улуғ Октябрнинг 61 йиллигини план ва юксак социалистик мажбуриятларни бажариб кутиб олиш учун қўлдан келган ҳамма зарур ишларни адо этиш ҳар бир деҳқоннинг шарафли ишидир.

Мурожаатда пахта далаларининг гвардиячилари бўлмиш биз, механизаторларга бевосита таваллуқли сўзлар айтилган. Биз — йиғим-терим мавсумининг асосий кучимиз, бинобарин план ва мажбуриятларни бажариш қўлимиздан келади. Ахир, терим-транспорт отрядларида ишлаб, машина-механизмлардан энг кўп самара олиш мумкин, бунинг учун бу йил ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилган.

Мен колхоздаги тўртта йиғим-терим комплексидан бирига бошчилик қилмоқдаман. Вақтни ғанимат билиб, аҳиллик билан ишламоқдамиз. Ўзимизга бириктирилган далалардан машиналарда ҳозиргача гектар бошига 35 центнердан «оқ олтин» теріб олдик. Энди асосий вазифа — етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини сўнгги чаноғигача йиғиб-териб олишдан, мавжуд техникадан ҳар томонлама фойдаланишдан иборатдир.

Вақт ғаниматлигини, тез кунларда кузги ёғин-сочин бошланиб кетишини яхши тушуниб, биз иш суръатларини кучайтирмоқдамиз. Отряд бугун-эрта пахтани яна бир марта машинада териб олиш, сўнгра биз тракторларни бошқаришга ўтиб, подборщиклар билан кўрак узиш машиналарини ишга соламиз. Ой охригача теримни ниҳоясига етказамиз. Мўлжаллаб кўйганимиздек, гектар бошига 45 центнердан пахта оламиз. Бу — бизнинг Мурожаатдаги илҳомбахш сўзларга берилган меҳнат жавобимиз бўлади. Пахта фронти жангчиларининг шон-шуҳратини оширайлик!

Р. КАРИМОВА,
Паша Ангелина номли мукофот лауреати, Олтиариқ районидаги «Ўзбекистон» колхозининг механизатори.

ПАХТАЗОР ЧОРЛАЙДИ

Элни чорлар пахтазор бугун,
Олтин кузнинг олтин сўзи бу.
Дам ғаниматдан ахди бор учун,
Ҳар бир тола ҳаҳнинг ўзи бу.
Жилвланур сомон йўлидай,
Дурғун чаноқ олтин жом бўлиб.
Қўлни кутар эрта-кеч бирдай,
Кенг ведийлар чиройга тўлиб.
Диёр кутар азми шижоат,
Синов ҳар дам марди- майдонга.
Заррин сепин ёзиб табиат,
Ҳаракат қил, дейди хирмонга,
Куз салқини сездириб ўзин
Дарахтлардан барг тўкаман дер.
Бағримдаги олмос юлдузинг,
Уни тезроқ тер дер Она Ер.
Бир-бирига туташ водийлар,
Диёр бўйлаб бўлибди чаман.
Ғайрат отин қамчилаб мардлар,
Олсин дейди тухфамни Ватан.
Отин тезроқ қамчиланг дўстлар,
Суръат пайтин унутманг зинҳор,
Мардлик пайти, жасорат пайти,
Белни маҳкам бағланг пахтакор.
Этакларнинг вазнин тош боссин,
Моторларнинг тинмасин саси.
Хирмон қадди тоғлардан ошсин,
Бўшашмасин терим нафаси.
Кўрак кериб шерман деган зот,
Гумбурлатсин пўлат отини,
Гижинглатсин эгатлар бўйлаб,
Ёсин зарга кенг қанотини.
Бункерлари қуёшдай тўлсин,
Хирмонларга кирсин барака.
Тезроқ ахдин ўринглатсин, сўнг
Бошлансин тўй, улкан маъракa.
Этаклар ҳам уйсин чўнг хирмон,
Ў — далада мардлик белбоғи.
Белга тақсин ҳар ахдли инсон,
Шуни кутар олтин куз чоғи.
Азиз элим бир сўзли мардсан,
Ахду паймон бурнансин шонга.
Бугун ҳеч ким четда қолмасин,
Ўз ҳиссасин қўшсин хирмонга.
Она эга тўёна бўлсин
Далалардан йўл олган карвон.
Бир тола ҳам қолмасин ерда,
Кўтаришсин энг катта хирмон.
Элни чорлар пахтазор бугун,
Олтин кузнинг олтин сўзи бу.
Дам ғаниматдан ахди бор учун,
Ҳар бир чаноқ ахднинг ўзи бу.

НАЗАРМАТ.

ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

24 октябрь куни Тошкентда СССР Фан ва техника давлат комитети билан Американинг «Контрол — дейта» фирмаси координацион группасининг мажлиси очилди. Бу фирма кўпгина электрон-ҳисоблаш машиналари, жаҳонда энг кучли компьютерлар ишлаб чиқармоқда. Группа мажлисида қатнашмоқ учун фирманинг ижрочи директори Роберт Шмидт бошчилигидаги етакчи мутахассислари келишди. Совет делегациясига СССР Фан ва техника давлат комитети ҳисоблаш техникаси ва бошқариш системалари бош бошқармасининг бошлиғи профессор В. А. Мясников бошчилик қилмоқда.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиқов очди. Сўнгра делегацияларнинг раҳбарлари координацион группанинг ҳозирги мажлиси олдига қўйиладиган мақсад ва вазифалар тўғрисида гапириб бердилар.

Таъкидлаб ўтилганидек, «Контрол — дейта» фирмаси мамлакатимиз муассасаларн ва ташкилотлари билан ўзаро манфаатли амалий алоқаларн изчиллик билан ривожлантиришни ёқлаб чиқмоқда. Фирма совет олимларининг бошқариш жараёнларини автоматлаштириш билан, компьютерлар учун янги системалар яратиш билан боғлиқ лойиҳаларини олишдан манфаатдордир. Фирма мутахассислари СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг, М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг ва баъзи бир бошқа муассасаларнинг олимлари билан кўпдан бери самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. «Контрол — дейта» фирмаси ана шу муносабатларнинг ўзинигина мустаҳкамлаб қолмай, шу билан бирга АҚШнинг илмий ва савдо-саноат доираларини совет олимлари ва мутахассисларнинг фаолияти билан, фан ва техника ютуқлари билан кенгроқ таништиришга ҳам ҳаракат қилмоқда.

— Биз, деди Р. Шмидт, жумладан, турли мамлакатларнинг олимлари ва мутахассислари ялпи тинчлик ва тараққиёт манфаатлари йўлида ҳамкорлик қилишлари, технологияни тинчий такомиллаштиришлари лозим деган қондага асосланамиз.

Ўзбекистонда кибернетика соҳасида чуқур тадқиқотлар ўтказилмоқда, халқ хўжалигининг турли тармоқларида ўзидан ортиқ автоматлаштирилган бошқариш системаси ишлаб турибди, республика Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилган ва у ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этмоқда. Фирма намояндалари Ўзбекистон олимлари билан амалий ҳамкорлик имкониятларини ўрганиш ва белгилаш, ўзаро манфаатли алоқаларни амалга ошириш ва ривожлантириш учун негиз яратиш ниятидадирлар.

(ЎзТАГ).

ЮКСАК МУКОФОТ

Халқ соғлиғини сақлашни ривожлантириш соҳасидаги катта хизматлари учун соғлиқни сақлаш ва медицина саноати ходимларидан катта бир группасига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилиб, Ленин ордени ҳамда «Ўроқ ва Болға» олтин медали топширилади.

Ватанимизнинг юксак мукофотини олишга сазовор бўлганлар орасида Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузуридаги 4-сон бошқарма марказий поликлиникасининг врачи Валентина Александровна **Распопова**, (Тошкент шаҳри) ва Самарқанд шаҳридаги 1-болалар поликлиникасининг врачи Мусаллам **Шарофиддинова** бор.

Халқ саломатлиги посбонлари, олий мукофотлар муборак!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида актив, самарали ишлаганлиги учун ва ВЛКСМнинг 60 йиллиги муносабати билан комсомол ходимлари ва активларининг катта бир группасини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида актив, самарали ишлаганлиги учун ва ВЛКСМнинг 60 йиллиги муносабати билан қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди: **Аяпова** Шавкат Умарович — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари, **Ориф**хонов Наримон — «Ёш ленинчи» газетасининг масъул котиби, **Ашурова** Зайнабхон Расулова — Ўзбекистон ЛКСМ Андижон область Қўрғонтепа район комитетининг биринчи секретари, **Жалилова** Малика Каримовна— Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область Калинин район комитетининг биринчи секретари, **Мамбетниёзов** Пўлатбой — Ўзбекистон ЛКСМ Кегайли район комитетининг биринчи секретари, **Мирошниченко** Николай Алексеевич — Ўзбекистон ЛКСМ Сирдарё область комитетининг иккинчи секретари, **Петренко** Ольга Михайловна — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг бўлим мудири, **Раҳимов** Насимбек Ҳожибердиевич — Ўзбекистон ЛКСМ Фарғона область комитетининг биринчи секретари, **Саъдуллаева** Ойра Убайдуллаевна —«Гунча» журналининг редактори ва **Ҳолманова** Рузи — Ўзбекистон ЛКСМ Қашқадарё область Ғузор район комитетининг биринчи секретари.

ЎЗБЕКИСТОН ШОЛИЗОРЛАРИДА

Амударёнинг этагидаги ерларда моторларнинг гуриллаган овози тинмайди. Шоли массивларида ўрим-йиғим ишлари давом этмоқда. Ҳали яқин-яқинларда бу ерларда қўрувчилар ва мелиораторлар ихтисослаштирилган совхозларни вужудга келтиришаётган, адоқ ерларни ўзлаштиришаётган эди, бугунги кунда эса Қорақалпоғистон деҳқонлари 250 минг тонна шоли оламиз, деб ишонч билан гапирмоқдалар.

Бу йилги марра ўтган йилдагидан 70 минг тонна кўп. 50 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан эллик центнердан ҳосил олиш кутилмоқда. 40 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозирнинг ўзидаёқ шунчадан дон олинди. Энг йирик Чапаев номли совхозда эса ҳар гектар ердаги зиннан янчиб олинган донинг ўртача миқдори 62 центнердан ошди. Суғориладиган деҳқончиликнинг устаси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Уббиниёз Беки-ниёзов бригадаси 80 центнерлик маррага ишонч билан яқинлашмоқда. «Равшан» совхозидан Илёс Тасинбетов, «Олтинқўл» совхозидан Сафарбой Беки-ниёзов бошлиқ ва етакчилик бошқа бригадалар бу марраги яқинлашиб келмоқдалар.

Бу йилги ҳосил мураккаб шароитларда етиштирилди. Ўрим-йиғим палласида ҳам ёғин-сочинли кунлар бўлиб турибди. Бироқ деҳқонлар обҳавонинг ноқулай шароитига ўзларининг тажрибаларини, маҳоратларини, юксак уюшқоқликларини қарши қўймоқдалар. Бутун техника — 1,000 дан ортиқ комбайн, 580 та жатка, 700 та автомашина ва 500 та трактор тележкаси 62 та ўрим-транспорт комплексига бирлаштирилган. Механизаторлар ўримнинг икки босқичли методини қўллаётганлиги, бу фақат ҳар бир агрегатнинг ўртача иш унумини оширибгина қолмай, балки донинг нобуд бўлишини ҳам сезиларли даражада камайтирди. «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозининг комбайнчиси Д. Избергенов, «Равшан» совхозининг комбайнчиси И. Сармончаев, «Олтинқўл» совхозининг комбайнчиси К. Толеновлар қисқа муддат ичида тўрт-беш минг центнердан шоли янчиб бершди. Ҳозир Қорақалпоғистондаги барча хўжаликларда ўрим-йиғим ва тайёрлаш ишлари ўтган йилдагидан тезроқ суръатлар билан олиб борилмоқда. Ҳар куни давлатга 10 минг тоннадан зиёд шоли топширилмоқда.

Хоразм — бу қимматбаҳо экинни кўплаб етиштирувчи область ҳисобланади. Бунга шоличиликни ихтисослаштириш ва марказлаштириш туфайли эришилди. Илгари бу экинни етиштириш билан 91 хўжалик шуғулланар, уларда шолининг ялпи ҳосили 15 минг тоннадан, ҳар гектар ернинг ҳосилдорлиги 30 центнердан ошмасди. Ҳозирги вақтда областда бир колхоз ва 11 совхоз шоли етиштириш билан шуғулланмоқда. Улардан бештаси Қорақум сахросида ташкил этилган бўлиб, фақат ўтган йилдан бошлаб ишга киришди. Мен кудратли бульдозерлар тошметиндек бўлиб қолган қора қумларнинг икки метр қалинлиқдаги қатламларини суғанини ва янги суғориш тармоқлари сувни қўйбола далаларга олиб боришини кўрганман. Мана, бу қадимий ерда биринчи марта кўм-кўк майсалар пайдо бўлди. Сахродан биринчи марта 5 минг гектар ер юлиб олинди. Ана шу ерлардан ҳозир давлатга ҳосил жўнатилмоқда. Масалан, «Қорақум» совхози тайёрлов пунктига сахроден юлиб олинган ерларда етиштирилган дастлабки минг тонна шолини келтириб топширди. Орадан бир неча йил ўтгач Қорақум чўлқуварлари неча ўн минг тонналаб шоли топширадиган бўлишади.

Хоразм областида ҳозирнинг ўзидаёқ 60 минг тоннадан ортиқ шоли янчилди. Ҳар гектар ернинг ҳосилдорлиги ўрта ҳисобда 56 центнердан кўпроқни ташкил этди. Энг йирик хўжалик ҳисобланган Ал-Хоразмий номли совхозда гектар янада сахийроқ бўлди, у 65 центнердан ҳосил берди. Бу йил хўжаликда шолининг ялпи ҳосили 23 минг тоннадан ошади. Воҳада бу совхоз биринчи бўлиб шоли тайёрлаш планини бажарди — давлатга 18 минг тонна қирмизи дон топширди. Яқин кунлар ичида совхоздан давлат омборига қўшимча равишда яна камида минг тонна дон келиб тушади. Хўжалик механизаторлари шолини ўриш билан янчиш ўртасидаги узилишни қисқартириб, минимум даражага келтиришдилар. Машарип Собиров, Аҳмад Латипов бошлиқ ва бошқа ўнлаб бригадалар ўрим-йиғим ишларини тўла тугалладилар. Бу бригадаларда ҳар гектар ердан 73-80 центнердан шоли олинди.

Ўзбекистон шоликорлари бу йил 400 минг тонна шоли етиштириш ва давлатга 345 минг тонна дон сотиш мажбуриятини қабул қилишган. Бу ўтган йилдагидан 74 минг тонна кўпдир. Тошкент областининг хўжаликлари пландан ташқари шоли тайёрлашни давом эттирмоқдалар. Улар шолини ўриш ва янчишни тугаллаб, экиндан бўшаган ерларни янги ҳосилга тайёрламоқдалар. Бошқа областларда яна 20 минг гектар майдондаги шолини ўриб-йиғиб олиш керак. Техникадан самарали фойдаланилса бунинг учун беш-олти кун талаб этилади.

Энг муҳими нобудгарчиликка йўл қўймаслиқдан, 93 минг гектар майдоннинг ҳаммасидан олинадиган шоли ҳосилини гектар бошига ўрта ҳисобда камида 50 центнер бўлишига эришишдан иборат.

А. УЗИЛЕВСКИЙ,
«Сельская жизнь» мухбири.
Ўзбекистон ССР.
(«Сельская жизнь», 22 октябрь).

ЛЕНИН КОМСОМОЛИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

ПАРТИЯНИНГ ЖАНГОВАР ЁРДАМЧИСИ

КОМСОМОЛ ЕТУК КАМОЛОТ ЁШИГА КИРДИ, АММО, УНИНГ РУҲИ ҲАМИША НАВҚИРОН. ЛЕНИН КОМСОМОЛИ — ПАРТИЯНИНГ ЖАНГОВАР ЁРДАМЧИСИ ВА ИШОНЧЛИ РЕЗЕРВИДИР. СИЗЛАР СОЮЗИНГИЗНИНГ БУТУН ФАОЛИЯТИ УЧУН СИНОВДАН ЎТГАН ЖУДА КАТТА ТАЖРИБАНИ ПАРТИЯДАН ЎРГАНАСИЗЛАР. ШУНДАЙ БЎЛИШИ ҲАМ ТАБИИЙ. ЗЕРО, ПАРТИЯ БИЛАН КОМСОМОЛНИНГ МАҚСАДИ БИТТА — У ҲАМ БЎЛСА КОММУНИЗМДИР, УЛАРНИНГ ЙЎЛИ ҲАМ БИТТА — БУ — ЛЕНИН ЙЎЛИДИР, ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ ЙЎЛИДИР.

(Л. И. БРЕЖНЕВ).

ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИГА СОДИҚМИЗ

(Боши биринчи бетда).

билан боғлиқдир. В. И. Ленининг РКСМ III съездида сўзлаган тарихий нутқи марксизмнинг ёшлари коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги классик ҳужжати сифатида ғоят катта ўрин тутиб келмоқда.

Гражданлар урушининг оғир йиллари, коллективлаштириш, индустриалштириш, маданий революция, фашизмга қарши аёвсиз кураш, мамлакатни тиклаш, янги ерларни ўзлаштириш... Мамлакатимиз тарихидаги ана шу шонли босқичларнинг қайси бирини олганимизда ҳам уларда комсомолларнинг қайноқ қалби, бунёдкорлик куч-ғайрати, партия ишига чексиз садоқати, беқиёс шижоати ва оммавий қаҳрамонлиги ёрқин намоён бўлганлигини кўрамиз. Бугун Ленин комсомоли байроғидаги олти орден ана шу жасорат ва фидокорликка берилган юксак баҳо, кекса авлод қаҳрамонона ишларининг ёркин хотираси сифатида ёшларимизни ВЛКСМ шонли анъаналарини янги ёркин саҳифалар билан бойитишга даъват этиб турибди.

Ўзбекистон комсомоли ВЛКСМнинг энг йирик ва жанговар отрядларидан биридир. Ўз сафларига ёшларнинг илғор қатламини бирлаштирган комсомол ташкилотимиз Коммунистик партиянинг актив ёрдамчиси ва ишончли резервига айланди. 1925 йил 5 апрелда Самарқанд шаҳрида ўтган таъсис съездида тузилган Ўзбекистон комсомол ташкилоти ғоят шарафли йўлни босиб ўтди. Ўша пайтда комсомол ташкилотлари ўз сафига 22 минг йигит-қизни бирлаштирган эди. Бугунги кунда у 2 миллион 100 мингдан зиёд ёшларни бирлаштириб турибди. Республика комсомол комитетлари ёшлар ташкилотининг сифат составини тобора яхшилаш йўлидан бормоқдалар.

Республикамиз комсомолининг тарихи ишчилар синфи ва деҳқонлар революцион курашининг тарихи билан узвий боғлиқдир. Ўлкада Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш йилларида минглаб ёш ишчи ва деҳқонлар партия даъватига жавобан қўлларига қурол олдилар. Абдулла Набиев, Майна Ҳасанова, Петр Петропольский, Абдулвоҳид Ўвайсов, Ойша Авазова, Абдулаҳон Бобохонов сингари кўплаб йигит-қизлар босмачиларга қарши жангларда қаҳрамонлик кўрсатдилар, янги ҳаёт учун олиб борилган жангларда азиз жонларини ҳам аямадилар.

Ўзбекистон комсомоли индустриалштириш ва коллективлаштиришда фаол иштирок этди. Фарғона водийсида ирригация иншоотлари, Чирчиқда гидростанциялар каскади ва химия комбинати, Ангрен конларини, Тошкентдаги тўқимачилик комбинати ҳамда қишлоқ хўжалик ускуналари корхоналарининг қурилишига оталиқ қилди. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришда ғоят фаол қатнашди, хотин-қизлар озодлиги учун изчил курашди. Босмачиларга қарши жанглардаги ғалабалари, халқ хўжалигини ривожлантириш, янгича урф-одатлар ва анъаналарнинг қарор топиши, ўзбек аёлларининг озодлиги учун курашдаги муваффақиятлари учун 1926 йилда Ўзбекистон ССРнинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.

Комсомоллар Улуғ Ватан уруши йилларида социалистик Ватанга, Коммунистик партиянга чексиз садоқат намуналарини кўрсатдилар. Ўзбекистон комсомоли Ватан мудофааси ишига ўз сафидаги ёш ленинчиларнинг учдан икки қисмини — 220 минг ёшни сафарбар этди. Республикамизда қисқа вақтда мамлакатнинг ғарбий районларидан кўчириб келтирилган 90 дан зиёд йирик корхоналар тикланиб, ишга туширилди. Қишлоқ ёшлари мамлакатни пахта, озиқ-овқат билан таъминлашга салмоқли ҳисса қўшдилар. Республика комсомол ташкилоти авиация эскадрильяси, «Ўзбекистон комсомоли» танк колоннаси, «Ўзбекистон комсомоли» бронепоезди учун маблағ тўплади. Немис-фашист босқинчиларига қарши жангларда кўрсатган жасоратлари учун Қудрат Суюнов, Камол Пўлатов, Мамадали Топиболдиев сингари ёшлар Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар. Ўзбекистонлик 126 мингдан зиёд йигит ва қиз жангларда ва фронт орқасидаги фидокорона меҳнатда кўрсатган қаҳрамонлиги учун СССР орден ва медаллари билан мукофотланди. Комсомол аъзоси Тўйчи Эрйигитов Александр Матросов жасоратини такрорлаб, унутилмас қаҳрамонлик кўрсатди. 1945 йилнинг тарихий кунларида Германия фашизми устидан қозонилган Ғалаба тимсоли—Капитуляция Актини тиз чўккан Берлиндан ғолиб Ватанимиз пойтахти Москвага ўзбек халқининг шонли фарзанди — учувчи Абдусамат Тойметов олиб келди.

Урушдан кейинги тикланиш йилларида Ўзбекистон ёшлари СССР халқларининг қардошлик оилесида хўжаликни тиклаш ва ривожлантиришда мисли кўрилмаган ташаббускорлик кўрсатди. Бекобод металлургия комбинати, Фарҳод ГЭСи, Фарғона гидролиз, Кўкон суперфосфат заводлари, Навоий, Қўнғирот, Зарафшон, Олмалиқ, Ғазлининг янги саноат корхоналари комсомолларнинг ғайрат-шижоати туфайли қисқа муддатларда бунёд этилди.

Комсомол-ёшлар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар. 30 мингдан ортиқ комсомол аъзоси партия чақириғига жавобан Мирзачўл, Марказий Фарғона ва Қарши чўлининг қўриқ ерларини ўзлаштиришга отланди. Химия, цемент саноати, энергетика ва сув хўжалиги қурилишларини ўз отлигига олган республика комсомоли бунёдкорлик ишларида чиниқди. У пахтачиликни комплекс механизациялашда фаол қатнашди. Шу йиллар ичида 360 минг механизатор тайёрланди. Комсомолда камол топган Турсуной Охунова изидан бориб, минглаб қизлар техникани эгаллаб олдилар. Социалистик ва коммунистик қурилишдаги хизматлари, пахтачиликни ривожлантиришга қўшган жуда катта ҳиссаси учун ва шахсий тамға билан меҳнат қилмоқда. 78 минг йигит-қиз ана шу ҳуқуқ учун курашмоқда. Давлат Сифат белгиси билан чиқарилаётган 450 буюм комсомол отлигига олинган.

Ўзбекистон комсомоли пахтачилик ва чорвачиликни комплекс механизациялаш учун курашда фаол қатнашмоқда. Сўнгги уч йилда 300 мингдан ортиқ ёш механизатор кадр тайёрланди. КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қароридан илҳомланган 4 мингдан кўпроқ комсомол-ёшлар—пахтачилик ва маккажўхоричилик бригаталарининг аъзолари юксак мажбурият олиб, ҳар гектар ердан 60 центнердан «оқ олтин» ёки 120 центнердан «қаҳрабо дон» етиштириш учун кураш бошладилар. Қишлоқ ёшларининг бугунги куч-ғайрати Ватан олдидаги ғоят масъулиятли вазифани бажариб, қабул пунктларига 5 миллион 700 минг тонна пахта етказиб беришга қаратилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан «оқ олтин» диёримизнинг ёш пахтакорлари теримни ўюшқоқлик билан якунлаш, юксак мажбуриятларни шараф билан бажариш учун курашмоқдалар. Сирдарё районидаги «Ленинград» колхозининг Ленин комсомоли мукофоти лауреати Омонжелди Исаев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси юбилей арафасида 45 центнерлик маррани эгаллаганлиги тўғрисида рапорт берди. Коллектив ҳар гектар ердан 65 центнердан дурдона териб олиш учун мусобақани кучайтирмоқда. Комсомол районидаги «Коммунизм» колхозидан Мусаддин Кўчиев бошлиқ бригада ҳам ҳозиргача ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олди. Ёш пахта усталари 60 центнерлик маррани кўзламоқдалар. Наманган районидаги «Қизил байроқ» колхозининг механизатори Маъмура Шокирова ҳозиргача 300 тоннадан ортиқ пахта терди. Киров районидаги «Искра» колхозининг ёш механизатори Отақўзи Маматов комсомол юбилейи шарафига бошланган мусобақага қўшилиб, бугунгача 250 тонна «оқ олтин» теришга муваффақ бўлди.

Комсомолнинг шонли юбилейига тайёргарлик ёш авлод марксча-ленинча дунёқарашини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этди. Сиёсий ўқув системасида кейинги йиллардагина 2 миллионга яқин йигит ва қиз ғоявий чиниқиш мактабидан ўтди. 2 миллиондан ортиқ комсомол ва ёш «КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширамиз» Бутуниттифоқ ленинча синовида қатнашмоқда. Республика комсомоли ёшларни совет ватанпарварлиги, пролетар интернационализми, СССР халқлари дўстлиги, социалистик ва демократик мамлакатлар ёшлари билан ҳамкорлик, қурашаётган халқлар йигит-қизлари билан бирдамлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқда.

Улуғ Ленин даҳоси билан революция бўронларида туғилган комсомол ўзининг бутун қаҳрамонона тарихи мобайнида доҳийнинг муқаддас номини шараф билан оқлаб келди, партиянинг жанговар ёрдамчиси ва резерви бўлди. Комсомолнинг кучи партия раҳбарлигидадир. Ўзбекистон Коммунистик партияси республика комсомол ташкилотини мустаҳкамлаш, ёшларнинг куч-ғайратини коммунистик қурилишнинг улкан вазифаларини бажаришга сафарбар этиш соҳасида самарали иш олиб бормоқда. Комсомол-ёшлар партия кўрсатган йўлдан бориб, ленинча яшаш, ўқиш ва меҳнат қилиш учун курашаверадилар.

А. ВОЛОДАРСКИЙ,
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг иккинчи секретари.



Комсомолнинг шонли 60 йиллигини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олаётган Ўзбекистон ёшларини бугун чўлларни ўзлаштириш, азим дарёларни жиловлаш, янги магистрал йўллар қуриш, шаҳар-қишлоқлар тиклаш сингари мамлакатимизнинг йирик қурилишларида учратасиз. Улар Туркистон тоғ тизмалари этагида Зомин сув омбори қурилишини ҳам отлиққа олишган. «Жиззахводстрой» трести қурувчи-ёшлари тиклаётган бу иншоот келажакда Жиззах чўлининг минглаб гектар майдонларини кенг пахтазорларга айлантириш имконини беради. Суратда: ВЛКСМ аъзолари — қурилиш прораби С. Қосимбеков ва геодезист Э. Шарипов ўртоқлар иш устида.

Г. Пун ва И. Чернов фотолари (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ—МАМЛАКАТ ҚУРИЛИШЛАРИДА

Ўзбекистон комсомол-ёшлари оталарнинг жанговар ва меҳнат-шуҳрати анъаналарини шараф билан давом эттирмоқдалар. Бугун уларни чўлни ўзлаштиришда, азим дарёларни жиловлашда, бепоён мамлакатимизнинг гигант қурилишларида учратиш мумкин. Олти орденли Ленин комсомоли самарадорлик ва сифат беш йиллигининг учинчи йилида 140 энг муҳим қурилишларни ўз отлигига олган. Асримиз қурилиши Байкал-Амур магистралини бунёд этишда, «Атоммаш» ва Олимпия шаҳарчасини қуришда комсомол-ёшлар жасорат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Қуйида Бутуниттифоқ комсомол-зарбдор қурилишларида фидокорона меҳнат қилаётган республикамиз вакилларига сўз берамиз.

АСР ҚУРИЛИШИ

Ю. САРСАДСКИХ
ВЛКСМ Бирюсинск комсомол комитетининг секретари

— БАМ! Мен асримиз қурилиши — Байкал-Амур магистралини ўйлаганимда беихтиёр фахрланиб кетаман. Чунки мен ҳам комсомол йўлланмаси билан серқуёш Ўзбекистондан келганман, ВЛКСМ XVIII съезди бўлиб ўтган дамлар эдимда. Худди шу кезларда беполон Ватанимизнинг юзлаб комсомол-ёшлари илк бор кўнгилли бўлиб, аср қурилишига отланган эдилар. Мен ўша пайтда Тошкентдаги трактор заводида ишлардим. Тенгдошларимнинг даъвати мени ҳам БАМга ундади. Иркутск областидаги Бирюсинск посёлкасида иш бошладик. Посёлкани ўз кучимиз билан бунёд этдик.

Бугунги кунда минглаб йигит-қизлар БАМ қурилиши майдонларида фидокорлик билан меҳнат қилмоқдалар. Сибирь совуқларини енгиб, шаҳар ва посёлкалар қурмоқдалар. Уст-Кутдан тортиб Комсомольскка қадер бир неча ўн километр масофадаги қурилишнинг ҳар бир участкасида қизғин меҳнат давом этмоқда. Энг илғор ва фидокор қурувчилар Ватанимизнинг олий мукофотига — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар. Юзлаб ёшларнинг кўксида орден ва медаллар порлаб турибди.

Ўзбекистонлик ёшлар «ЗапБАМстроймеханизация» трестининг 83-механизациялашган колоннасида ишламоқдалар. Кунгиллилар ВЛКСМ XVIII съезди қарорларидан, ўртоқ Л. И. Брежневнинг съездда сўзлаган ёркин нутқидан руҳланиб, социалистик мусобақани кун сайин қизитмоқдалар. Тўққиз ойлик план муддатидан илгари бажарилди. Унлаб ўн-жой массивлари, мактаб ва боғчалар фойдаланишга топширилди. Ҳар бир ёш бунёдкор ВЛКСМнинг шонли 60 йиллигини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олмоқда.

ЭСТАФЕТА ДАВОМ ЭТАДИ

Т. НУЪМОНОВ,
Ўзбекистон ЛКСМ XXI съезди номли отряд жангчиси

— Биз бу кунни сира унутмаймиз! Ўшанда Тошкентдаги В. И. Ленин майдонида бўлиб, доҳий қайкали пойига, номаълум солдат қабрига яшнаб турган гулдасталар қўйган эдик. Сўнгра биз—Ўзбекистон ЛКСМ XXI съезди номли комсомол-ёшлар республика отряди жангчилари Ноқоратупроқ ерларни ўзлаштириш юзасидан ўз дил сўзларимизни айтдик: «Ҳар биримиз комсомол-ёшлар отряди олдида турган вазифаларнинг мураккаблигини жуда яхши ҳис этамиз. Беш йилликнинг учинчи зарбдор йилида Ўзбекистондан келган ёшлар билан биргаликда 15.400 гектар ерни тайёрлаш, 34 минг квадрат метр сеҳли уй-жой қуришимиз керак. Ноқоратупроқ зонада қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда иштирок этиш — бизнинг муқаддас интернационал бурчимиз, шон-шараф ва виждон ишимиздир.

Иваново ва Новгород диёрида қурилишлар ва ер ўзлаштириш миқёсини кўриб беҳад қувондик. Сўнгги икки йил мобайнида 1800 киши бу ерда ишламоқда. Ноқоратупроқ ерларда дўстлик ва кардошлик рамзи — «Тошкент», «Ўзбекистон», «Дўстлик» сингари хўжаликлар бунёд этилди. Ивановодаги Дзержинский номли фабрика йигирувчиси ВЛКСМ XVIII съезди делегати В. Капленкова бунёдкорлар билан учрашувда ўзбекистонлик қўнгиллиларден жуда мамнун эканликларини фахрланиб сўзлади.

Биз урушни кўрмаган ёшларимиз. Купларимиз уруш нималигини ҳам билмаймиз. Оталаримиз эса ана шу ерда душман билан юзма-юз жанг қилганлар. Урушнинг даҳшатли изи ҳамон кўриниб турибди. Оталаримиз жанг қилган жойларни ўзлаштириб, яшнатиш биз — ватанпарвар ёшларга топширилган экан, бу ишончни албатта оқлаймиз.

СЎЗ—70-ЙИЛЛАР КОРЧАГИНЛАРИГА

ШИОРИМИЗ—СИФАТ

Ленин комсомолининг шонли 60 йиллиги арафасида «Ленин васиятларига содиқмиз!» шиори остида Бутуниттифоқ комсомол йиғилишлари бўлиб ўтди. Биз ҳам комсомол йиғилишимизда юбилей шарафига олинган социалистик мажбуриятлар бажарилганлиги ҳақида рапорт бердик.

Бригадамиз аъзолари «Бугун-кечагидан, эртага-бугунгидан яхшироқ ишлайлик» ташаббуси билан чиққанлар. Шунинг учун ҳам ҳар бир йигит-қиз смена топшириғини 1,5—2 ҳисса бажаришга эришмоқда. Заводимиз тамғаси билан чиқаётган маҳсулотлар Бутуниттифоқ комсомол-зарбдор қурилишлари — Андижон сув омбори, Жиззах чўли ва машинасозлик заводларида қўлланилмоқда. Шу йилнинг бошида эса бир неча трансформаторлар туркумини Саянҳ-Шушенск ГЭСи қурилишига юбордик.

Заводимиз ёшлари Ленин комсомолининг шонли 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олаётирлар. Биз, ёш ишчилар, оталарнинг революцион, жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати анъаналарига ҳамиша ва ҳамма вақт содиқлигимизни намойиш этаётирмиз.

М. МУСЛИМОВ,
Тошкент электр машинасозлиги заводи комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи.

ШИЖОАТ ВА ЖАСОРАТ

Пахтакорларимиз шу кунларда 5 миллион 700 минг тонналик улкан хирмон яратиш иштиёқида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ленин комсомолининг шонли 60 йиллик юбилейини меҳнатда улкан муваффақиятлар билан кутиб олаётган бригадамиз комсомол-ёшларининг шижоати ҳам ўзгача. Негани, ҳаммамизнинг фикри-зикримиз юбилейга муносиб тўёна тайёрлашга қаратилган. Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаати ғайратимизни янада ошириб юборди.

Мен ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, қишлоқда қолдим. Бригадада илғорлар қаторида ишладим. Кейинчалик мени бригада бошлиғи қилиб тайинлашди. Ўтган йили ҳар гектар майдондан 38 центнердан ҳосил йиғиштириб олишга эришдик.

Самарадорлик ва сифат беш йиллигининг учинчи йилини юксак суръатлар билан бошладик. Ҳосилдорликни ошириш учун илғорлар тажрибасини ўргандик. Мени Коммунистик партия сафига қабул қилишди. Бу мени янгидан-янги ғалабаларга чорлади.

Областимиз комсомоллари менга юксак ишонч билдиришиб, ВЛКСМ XVIII съездига делегат қилиб сайладилар. Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида юзлаб ёшлар билан танишдим, дугоналар орттирдим. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг ғолт ёркин ва сермазмун нутқини тингладим. Жасоратга чорловчи бу нутқ менда катта таассурот қолдирди.

Съездан қайтганимдан сўнг, бригадамиз аъзолари зиммага олинган мажбуриятни қайта кўриб чиқдилар. Ленин комсомолининг шонли 60 йиллиги нишонланадиган йилда ҳар гектар майдондан 56 центнердан ҳосил олишга аҳд қилдик.

Юбилей арафасида хоразмлик тенгдошларимиз «Ленин номи билан—Ленин йўлидан» ташаббуси билан чиқдилар. Комсомолнинг олти орденига олти зарбдор вахта бизларни ҳам руҳлантириб юборди. Бригадамиз аъзолари Йўлдошбой Тўйчиев, Солиҳон Аҳмедов, Маҳкам Қурбонов ва бошқалар йиғим-теримни қисқа муддатларда ўтказиш учун курашмоқдалар.

Узим юбилей йилида машина бункеридан 200 тонна пахта тўкиш мажбуриятини олганман. Ленин комсомолининг шонли 60 йиллиги юбилейи кунида ана шу социалистик мажбуриятни шараф билан бажарганлигим ҳақида ғалаба рапорти бераман.

М. ЗУЛУНОВА,
Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхози комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи, ВЛКСМ XVIII съезди делегати.

ШОН-ШАРАФ ИШИМИЗ

Республикамиз комсомол-ёшлари йилдан-йилга маккажўхоридан мўл ҳосил олмоқдалар. Областимизнинг комсомол-ёшлар коллективларида ҳар гектар майдондан 100—120 центнердан «қаҳрабо дон» ҳосили етиштирилмоқда.

Ленин комсомолининг шонли 60 йиллик юбилейи йили биз учун, айниқса, қувончли бўлди. Зиммага олинган социалистик мажбуриятни шараф билан бажардик. Ҳар гектар майдондан 120 центнердан ҳосил олинди.

Қашқадарё область Қамаши районидаги «Коммунизм йўли» колхозининг комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи, Ленин комсомоли мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Гулбаҳор Нуриллаева бизни мусобақага чақирганди. Биз бирбирларимизнинг далаларимизда бўлдик. Юқори ҳосил олиш соҳасидаги тажрибалар билан ўртоқлашдик. 100—120 центнерлик маррани эгаллаган коллективларнинг сафи ортиб борляпти. «Қаҳрабо дон» иккиқорлари Ленин комсомолининг шонли юбилейини ёруғ юз билан кутиб олаётирлар.

У. ЕРОВА,
Сариосиё районидаги Калинин номли колхоз комсомол-ёшлар маккажўхорикорлик бригадаси бошлиғи, Ленин комсомоли мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

ҚЎНГИЛЛИЛАР САФИ ОРТМОҚДА

Комсомол-зарбдор қурилишлари ёшларнинг шижоати ва фидокорлиги билан қад кўтармоқда, қурилмоқда, юксалмоқда. Ноқоратупроқ ерларни ўзлаштиришда ҳам республикамиз комсомол-ёшларининг ҳиссаси катта бўлаётир. Бутуниттифоқ комсомол-зарбдор қурилиши — Ноқоратупроқ ерларда минглаб йигит-қизлар фидокорона меҳнат қилиб, ВЛКСМ 60 йиллигини зўр шодиёна билан кутиб олмоқдалар.

Яқинда ўзбекистонлик 200 га яқин йигит-қиз Иваново ва Новгород областларига жўнаб кетди. Тошкент ва Андижон областларининг ташаббускор ёшларидан ташкил топган ВЛКСМ 60 йиллиги номли зарбдор отряд «Дўстлик» ва «Тошкент» совхозлари қурилишларида иштирок этади.

К. МИРЗАЕВ.

Партия турмуши: комсомолга партия раҳбарлиги

ЎРИНБОСАРЛАР

Комсомолнинг олтин тўйи яқинлашди. Комсомол олтмиш ёшга тўляпти. Бу ҳамманинг ҳаёлини олади, ўйлатади. Киши қалбида ифтихор туйғуларини уйғотади.

Ўз сафларида 185 минг ВЛКСМ аъзосини бирлаштирган область комсомол ташкилоти ёшлар ўртасида катта иш олиб борляпти. Кўпгина яхши ишлар комсомол номи билан боғланган. Комсомол сафидан кўплаб талантли ташкилотчилар етишиб чиқди. Улар хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда фидойилик кўрсатмоқдалар.

Ҳар томонлама камол топган янги кишини тарбиялаш коммунистик қурилишнинг асосий вазифаларидан биридир. КПСС XXV съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашни янада кучайтириш, комсомолга партиявий раҳбарликни яхшилаш вазифасини олга сурди. Бу янги кишини шакллантиришнинг муҳим шартидир.

Владимир Ильич Ленин онгли меҳнатсиз коммунистик тарбия бўлмайди, деб таъкидлаган эди. Конкрет ишлар — оммани сиёсий тарбиялаш мезонидир. Шунинг учун Андижон область партия ташкилоти ёшларнинг асосий куч-ғайратини даставвал ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга қаратмоқда. Йигит ва қизларнинг актив иштирокида саноатда муайян ютуқлар қўлга киритилди. Масалан, ўнинчи беш йилликнинг ўтган икки ярим йилида планда кўзда тутилганидан 87 миллион сўмлик кўп маҳсулот реализация қилинди. Шу даврда комплекс механизациялашган 20 та цех ва участка, механизациялашган ва ярим автоматлашган 48 та линия ва установка ишга туширилди. 100 дан ортиқ технологик жараёнлар автоматлаштирилди. Ҳозир 98 турдаги маҳсулот давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилмоқда. Бу 1977 йилдагидан 30 та кўп демакдир.

Ёшларни қурилиш майдонларида ҳам учратиш мумкин. Областдаги 34 та объект комсомол отлигида. Шундан 27 таси комсомол-зарбдор қурилиши, деб эълон қилинган. Андижон сув омборининг биринчи навбати, Андижон шаҳрида «Машъал» китоб магазини, 337 минг квадрат-метр уй-жой, 1728 ўринли мактаб, 600 ўринли болалар боғчалари ва бир қатор маданий-маиший ва коммунал объектлар фойдаланишга топширилди. Буларнинг ҳаммасида комсомол-ёшларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Область бўйича 32 минг нафар йигит-қиз, комсомол-ёшлардан ташкил топган ҳар икки коллективдан бири беш йиллик планни тўрт йилда бажариш мажбуриятини олган. Улар «Ёшларнинг ғайрати ва ижоди — самарадорлик ва сифат беш йиллигига» ҳаракатига қўшилган. Бир ярим комсомол ортиқ ёш ишчи ўзларининг шахсий тамғаларига эга.

Қишлоқ хўжалигида ишлаётган ёшлар ҳам маҳорат синовидан яхши ўтишди. Комсомол-ёшлар раҳбарлик қилаётган бригадалар пахта етиштиришда область кўрсаткичидан икки центнер олдинда.

Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашни яхшилаш, комсомолга партиявий раҳбарликни кучайтиришда комсомолда ишлаётган коммунистлар муҳим роль ўйнайди. Ҳозир областда 400 дан ортиқ коммунист комсомол-ёшлар коллективларига раҳбарлик қилаётир. Коммунистлардан Клавдия Лапшина, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Найни Маматқодиров, Ҳасанча Аҳмедов ва бошқалар бошқараётган ёшлар коллективлари областнинг фахри бўлиб қолди.

— Область партия ташкилоти комсомол-ёшларни ғоявий чиниқтириш ҳақида доимий ғамхўрлик қилаётир, — деди Андижон область партия комитетининг биринчи секретари И. Усмонхўжаев. — Биргина комсомол сиёсий маорифи ва иқтисодий таълим шоҳобчаларида 70 мингдан зиёд йигит-қиз ўқимоқда. Комсомол пропагандистларининг 90 проценти коммунистлардир. Кўрғонтепа, Избоскан, Пахтаобод район партия комитетлари идеология ишининг бу муҳим эвеносига раҳбарликни бирмунча яхшиладилар.

Область партия, комсомол ташкилотлари бу соҳада яхши тажриба тўпладилар. Айниқса, Андижон, Ленинск шаҳарлари, Кўрғонтепа, Бўз, Пахтаобод районларининг партия, комсомол ташкилотлари тажрибаси диққатга сазовордир. Янги кишини тарбиялашда коллективнинг роли сезиларли даражада ўсди.

Ёшларнинг ахлоқий тарбиясида физкультура ва спорт муҳим ўрин эгаллайди. Ҳозир областда спорт билан шуғулланаётган кишилар 300 мингдан ортиб кетди. 11 стадион, 150 спорт зали, 15 бассейн, 5 от спорти клуби улар ихтиёрида. Катта спорт комплекси, ихтисослаштирилган гимнастика, оғир атлетика заллари, икки қаватли шахмат-шашка клуби, хоккейчилар учун панснонат қурилиши давом эттирилмоқда. Областда чим устида хоккей, енгил атлетика, от ва мерганлик спорти кенг ривожланди.

Область, шаҳар, район партия комитетлари, кўпгина бошланғич партия ташкилотлари комсомолга партиявий раҳбарликни такомиллаштирда бориб, комсомол ташкилотларини ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлашга, кадрларнинг сифат составини яхшилашга, ёшлар билан ишлаш вазифаси топширилган кишиларнинг масъулиятини оширишга биринчи даражали аҳамият бермоқдалар.

Йигит ва қизлар ижтимоий-сиёсий ҳаётда актив иштирок этмоқдалар. Областда халқ депутатлари Советларига сайланган 2700 ёш граждан бор. Улардан 9 киши СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутати, 74 киши эса область Советининг депутатидир.

Комсомолда партия ядросининг янада мустаҳкамланиши ёшларга раҳбарлик даражасини ошириш имконини беради. Кейинги ўн йил ичида комсомол ташкилотларида ишлаётган коммунистлар қариб икки марта ўсди. Ҳозир улар 4900 кишини ташкил этади.

Партия ташкилоти комсомолга ҳар ишда раҳнамо бўляпти, қўллаб-қувватляпти. Область партия комитетининг шу йил сентябрь ойида бўлиб ўтган пленумида ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашни янада яхшилаш, комсомолга партия раҳбарлигини кучайтириш масаласи кенг муҳокама қилинди. Пленумда пахтачиликни ривожлантиришда ёшларнинг иштирокига алоҳида эътибор берилди.

Ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили охирлаб бормоқда. Ҳозир ҳамманинг бутун диққат-эътибори йилни яхши якунлашга қаратилган. Область комсомоли бу ишда фаол иштирок этмоқда, ВЛКСМнинг шонли 60 йиллигини муносиб нишонламоқда.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



АХБОРОТ

ҚУРИЛИШ

«ЯНГИ ҲАЁТ»ДА ЮҚСАЛИШ

Узбекистон районидаги «Ўзбекистон» боғдорчилик совхозининг маркази «Янги ҳаёт» поселкаси ташкил этилган тўрт йил мобайнида совхознинг маъмурий бинои, 120 ўринли болалар боғчаси, янги магазин, ошхона, 780 ўринли ўрта мактаб бинои қурилиб, фойдаланишга топширилди. Совхоз меҳнат аҳли янги типда қурилган муҳташам турар-жой биноларида истиқомат қилмоқдалар. Поселкани тўлиқ водопроводлаштириш масаласи ҳам ниҳоясига етказилди.

Р. РАҲМАТУЛЛАЕВ.

«БАХТ» ЧОЙХОНАСИ

Китоб районидаги Карл Маркс номли колхоз қишлоқлари йил сайин кўркамлашиб бормоқда. Хўжаликнинг «ГЭС» қишлоғи яқинида қарнаҳар чойхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу муҳташам бинони бунёд этишда район колхозлараро қурилиш бошқармасининг Ш. Юсупов раҳбарлик қилаётган участкаси бунёдкорлари алоҳида ҳиммат кўрсатдилар. Улар 150 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар.

Ҳ. РАҲМОНОВ.

СТУДЕНТЛАР УЧУН

Тошкент қишлоқ хўжалик институти территориясида икки қаватли «Наврўз» мажмуи хизмат уйи қад кўтарди. Бу ерда мажмуи хизматнинг барча турлари мавжуд бўлиб, ундан институт студентлари ва педагоглари бахраманд бўлмоқдалар.

Э. ОДИЛОВ.

ҚИШЛОҚ ЧИРОЙИ

Қамаши районидаги марказида бир йўла «Ёшлик» номли озиқ-овқат ва «Орзу» номли кийим-кечаклар магазини ишга тушди. Шунингдек, районнинг Чипонзор массивида «Лола» болалар боғчаси ҳам иш бошлади. Ҳар учала муассаса ҳам замонавий услубда қурилган бўлиб, район меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатмоқда.

Г. МАРДОНОВА.

БЕРУНИЙЛИК БАҲОДИРЛАР

Улуғ Ватан уруши йилларида она-Ватан ҳимояси учун отланган ватанпарварлар орасида 5638 та берунийлик баҳодирлар ҳам бор эди.

Улар «Ватанимиз, халқимиз учун олга!» дея жангга кирдилар. Яраландилар, қурбон бўлдилар. Лекин она еримизнинг бир қаричини ҳам қора қузғунларга бериб қўймадилар.

Ватан ўғлони Урозбой Жуманиёзов номини берунийликлар фахр билан тилга олдилар. Киров номли колхоз марказида бу қаҳрамоннинг бюсти ўрнатилган. Шунингдек, райондаги «Правда» колхозида ҳам колхоз ватанпарварларидан 360 тасининг номи ёдгорлик тахтасига ёзиб қўйилди. Яқинда район марказида берунийлик қаҳрамонлар хотирасига яна бир ёдгорлик ўрнатилди. Унга 3 мингга яқин берунийлик баҳодирнинг номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган.

Суратларда: Ёдгорликни зиёрат қилишга келаётган пионер ва комсомоллар, Улуғ Ватан урушн қатнашчилари, ишчи ва хизматчилар район баҳодирлари хотирасини ёд этиб, гулчамбарлар қўйишмоқда.

Р. Утамуродов фотолари.

КАРРА ЖАДВАЛ СИРИ

Фельетон

Бир бошлиқнинг қандай қилиб идорасига янги ходим танлагани ҳақидаги воқеани эшитганмисиз? Бўлмаса, эшитинг. Бошлиқ ариза кўтариб келган кишиларни бошданоёқ кўздан кечириб чиқаркан-да, дабдурустдан:

— Айтинг-чи, уч карра уч неча бўлади? — деб сўраркан.

Синовдан ўтаётган бўлажак содда ходим коса тагидаги нимкоса гапни тушунмай, бу саволга албатта ҳозиржавоблик билан «тўққиз бўлади» деб жавоб бераркан.

— Бизга тўғри келмас экансиз, — уларнинг ҳафсаласини пир қилиб жўнатаркан энсаси қотган бошлиқ.

Бир куни унга қумурсқанинг оёғига нагал қоқа оладиган жуда абжир бир киши рўпара келиб қолибди. У бошлиқнинг нега бунақа савол бераётгани сирини жуда яхши биларкан. Шунинг учун ҳам қўлларини қовуштириб, кўзларини сузибдиа, «сиз нечта бўлишини хоҳласангиз шунча бўлади, хўжайин», дебди. Бошлиқ қойил қолибди:

— Бугундан бошлаб идорамиз ходимисиз, — дебди у хурсанд бўлганидан ва янги ходимга ишни дарҳол қабул қилиб олишни буюрибди.

Турмушда шу тақлид антиқа воқеалар ҳам учраб тураркан. Мана, масалан, Амударё районидаги 75-қишлоқ ҳунар-техника билим юртини олайлик. Бир-икки йил бўлдики, билим юртининг директори Б. Эноров билан катта бухгалтер М. Эшжонов ишга киришни хоҳлаб келган янги ходимни, албатта, синовдан ўтказишни одат қилиб олишган.

— Сиз иш пайтида битта-яримта нуқсон ёки ножўя хатти-ҳаракатнинг гувоҳи бўлиб қолсангиз, нима қиласиз? — деб сўрашарди улар одатда иш олинжида келган кишидан.

Агар бўлажак ходим бояги латифада зикр қилинганидек, «сиз нимани хоҳласангиз, шуни қилардим, ёшулли», деб жавоб берса, шу заҳотиёқ аризасига имзо қўйдириб оларди.

— Бизбоп одам экансиз, — дейишарди директор билан катта бухгалтер. — Чизган чизиғимиздан чиқмасангиз ошиғингиз ҳамиша олчи бўлади, эплаганингизча иш ҳақи ҳам олаверасиз.

Текин томоқ қорин оғритмайди, дегувчилар ончалик кўп бўлмаса ҳам ҳар ҳолда топилиб турарди. Кўпинча бундай кишиларга директор Б. Эноровнинг шахсан ўзи буйруқ билан ё асосий иш вақтига қўшимча тарзда бир-бир ярим ставкали маош ёзиб берар ёки унинг бирор қиғир ишга қўл урганини кўриб турса ҳам ўзини билмаганликка олиб кетаверарди. Шундай қилиб сантехниқдан ётоқхона коменданти ва фаррошгача, қозонхона ошпичиларидан қоровулларгача Б. Эноровнинг ҳимматидан баҳраманд бўлиб, асосий иш ҳақларига қўшимча тарзда талайгина текин даромад ҳам олишди. Директор тунов куни бўш қолганида чўтки олиб, техник ходимларга ўзи қилган «яхшилик»нинг неча сўмга тушганини ҳисоблаб чиққан эди, ярим йилнинг ўзида ўн беш кишига 2718 сўм 75 тийинлик ортиқча ҳақ тўлангани маълум бўлди. У қилган ишидан жуда завқланиб кетди. Яхши раҳбар аввал қўл остидаги кишиларни, сўнгра ўзини хурсанд қилади, деб мақтаниб ҳам қўйди катта бухгалтер Мадрим Эшжоновга.

М. Эшжонов пайти келганидан фойдаланиб қолмоқчи бўлди:

— Мастерлар билан ўқитувчиларнинг ҳам маошини оширсакмикан, улар ҳам ҳимматингизни бир кўриб қўйишсин, — деди қувлик билан.

— Уларнинг иш ставкаларини оширмасам ҳам мендан миннатдор бўлиб юришибди, — Б. Эноров унинг гапини бўлди. — Е шундай эмасми?..

Мадрим Эшжонов директорнинг нималарга шама қилаётганини дарҳол тушуниб олди. Кунларнинг бирида суҳбат жилови худди шу бугунгидек иш ҳақи томонга бурилганида Б. Эноров «Бу катта даргоҳ бир дарёйи азимдек гап, эплаган одам кетмон билан, эпламаган теша билан томорқасига ариқ очаверади», — деб айтган эди. Бу унинг «уддасидан чиққан одамга йўл очиқ, ишни чиқармай иш қилса, бас, шартим шу», деганн эди. Директор очиб берган бу йўлдан биринчи бўлиб базъи нопок группа мастерлари ва ўқитувчилари ўтишди. Улар бировнинг ҳақига хиёнат қилиш педагог шаънига қора доғ бўлиб тушишини хаёлларига ҳам келтиришгани йўқ. Ўйламай-нетмай ўз ўқувчиларининг чўнтагига қўл суқиб, чангалига илинганини киссаларига солаверишди. М. Жумамуродов, Б. Болтаев, М. Ражабов, А. Бобожонов, Л. Оқназаров, қўйинчи ўзини билим юртида «ўқувчиларнинг устозиман» деб кўкрак муштлаб юргай мастерларнинг кўпи билим юрти талабаларига стипендия тўланадиган пайтда ҳар бири беш-олти ўқувчининг ўрнига ведомоста имзо қўйиб, тайёр пулни жарақ-жарақ санаб олаверишди. Бу ларнинг ибораси билан айтганда «уста ҳақи» эмиш.

Катта арава ўтган йўлдан кичиги ҳам бемалол юраверар экан. Мастер ва ўқитувчиларнинг билим юртини ластурхон қилиб қўлига илинганини томоғидан бемалол ўтказиб юбораётганини кўрган тарбиячилар ҳам «от изини той босар» қилишди. Аммо уларнинг узатган қўлларига жарақ-жарақ пул эмас, оппоқ уну, ёғ, чой ва қанд илиниб чиқди.

— Бизнинг чекимизга тушгани шу экан, — деди тарбиячи Ўрозмўмбет Аҳмедов ҳамкасби Наримон Юсупова. — Биров ошхонанинг овқатини кавлаб, жази билан макарони кам экан деб ўтирибдими, олаверамиз.

Шундай қилиб улар ҳам ўқувчилар ризқини қийиб бир йўла 1446 сўм 82 тийинлик ун, қанд, чой, пахта ёғи, макарон ва бошқа маслаҳатларнинг тагига сув қуйишди.

Буни қарангки, билим юртида ютоғичларнинг домига тортилмаган бирон соҳа қолмабди. Қаердан текин даромаднинг иси чиқса, ўша ерда беш-олти олғир хозиру нозир бўларди. Масалан, ўтган йили ўқувчилар олган билимларини амалий иш билан мустаҳкамлашсин, ярмига пахта экиб, пахтачилик касбини пухта эгаллашсин, деб билим юртига 50 гектар ҳосилдор ер биркитилган эди. Билганга бу ҳам ёғлиқ-қина луқма бўлди. Директор Б. Эноров ва бухгалтер М. Эшжонов — икковлон ўқув хўжалигининг молия планини ва штатларни белгилаб чиқишди. Бу гал ҳам қўйнидан тўкилса қўнжига, қабилида иш қилишди. Штатлар бегона қилинмай таниш-билишлар ўртасида тақсимланди. Мадрим Эшжоновнинг ўзи ярим ставка маош ҳисобига хўжаликнинг ҳисоб-китобини олиб борадиган, директор ўринбосари Отажонов ҳам ярим ставка билан омборчилик юмушини бажарадиган бўлди. Ўқитувчи Абдурахмонов мотористликни, Сафарбоев билан Хусаинов сувчиликни танлашди. Уларга жами 3249 сўм 50 тийинлик маош ҳам тўланди. Тўланди-ю, бироқ куз келиб ғалвир сувдан кўтариладиган пайтда ўша 25 гектар ердаги ғўзалар ниҳоллик пайтидаёқ қуриб-қовжираб кетгани, далатга бир килограмм бўлса ҳам топширадиган пахта йўқлиги маълум бўлиб қолди.

— Ҳеч киси йўқ, — деди Б. Эноров бухгалтер М. Эшжонов билан 1978 йил учун ишлаб чиқариш молия планини тузаётганида. — Ўтган йилнинг ҳиссасини бу йил чиқарамиз.

Ҳа, «ҳиссасини» чиқаришди. Яна 25 гектар ерга чигит экилди. Директорнинг буйруғи билан участканинг янги мудири У. Аҳмедов ҳар ой учун 110 сўмдан, ярим ставкали участка бухгалтери М. Эшжоновга 45 сўмдан, омборчи У. Муҳамедова 40 сўмдан, шофёр И. Юсуповга 66 сўмдан маош ҳам тўланди. Пахтага деб ҳатто қўшни «Мангит» совхозидан 270 сўмга икки тонна минерал ўғит ҳам сотиб олиб келинди. Бироқ, хирмон кўтариладиган пайтда яна ўтган йилги воқеа такрорланиб, ниҳоллар қуриб қолгани, ёз бўйи қилинмаган ишлар учун кишиларга маош тўланиб келингани аниқ бўлиб қолди.

Хуллас, Амударё районидаги 75-қишлоқ ҳунар-техника билим юртига уя қуриб олган бир неча юлғичларнинг қилмиш-қидирмишлари ана шундай. Халқ назоратчилари ёрдами билан битилган бу қиссамиз шу ерга етганида, эҳтимол газетхонларда билим юрти директори Б. Эноровнинг айби нима, унинг қилмишлари ёзилмабди-ку деган савол туғилиши мумкин. Дарҳақиқат, расмий ҳужжатларда Б. Эноровнинг жиноий ишга қўл урганлиги таъкидланмаган бўлса ҳам юлғичлар учун талон-торож қилишга йўл очиб берган, бир неча йилдан бери сирли қозон тувғини маҳкам беркитиб, «уйдаги гапни кўчага чиқармай» юрган киши ҳам Б. Эноровнинг ўзи. Аис ҳолда у директор бўлган билим юртида ана шундай қиғир ишларга йўл қўйилармиди.

Рафиқ ТУРСУНОВ.

реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

«КАНТАТА-204» РАДИОЛАСИ

— СИЗНИНГ УЙИНГИЗГА ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИНИ ВА МУЗИКА ДУНЕСИНИ ОЛИБ КЕЛАДИ.

Гўлқинларнинг беш диапазони узоқ ва яқиндаги радио станцияларнинг эшитиришларини тутиш имконитини беради. Уч тезликда ишлайдиган проигрователда ҳар қандай грампластинкаларни қўйиб тинглаш мумкин.

Автоматик бошқарув ва акустика системаларининг яхши лангаплиги, ёритиш индикатори ва замонавий безатилганлиги радиоланинг янги сифатларидир.



Баҳоси — 112 сўм.

«РАДИОТЕХНИКА» МАРКАЗИЙ КОММЕРЦИЯ-РЕКЛАМА ТАШКИЛОТИ.

СССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИ

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Қуйидаги мутахассисликлар бўйича

СИРТҚИ ТАЪЛИМ ФАКУЛЬТЕТИНИНГ

I ВА ЮҚОРИ КУРСЛАРИГА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Агрохимия ва тупроқшунослик, агрономия, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, ўрмон хўжалиги, иқтисод ва қишлоқ хўжалигини ташкил қилиш, бухгалтерия ҳисоби.

ФАРҒОНА ФИЛИАЛИГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА:

агрономия, иқтисод ва қишлоқ хўжалигини ташкил қилиш, бухгалтерия ҳисоби, зооинженерлик.

Сиртқи таълим факультетига тўлиқ ўрта маълумотли, қишлоқ хўжалиги тармоқларида, ташкилот ва корхоналарида ишлаб турган кишилар ёшидан қатъий назар қабул қилинадилар.

Кириш имтиҳонларидан ижобий баҳо олганларнинг мутахассисликлари иш характерига мос тушса, қабул пайтида имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Кириш учун ариза институт ректори номига ёзилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: тўлиқ ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан характеристика-рекомендация, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишлаётганлар учун), медицина справкаси (286-форма), бош кийимсиз тушилган 3х4 см. ҳажмидаги тўртта фотосурат.

Институтга кирувчилар қуйидаги фанлар бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар:

агрохимия ва тупроқшунослик, агрономия, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, зооинженерлик мутахассислигига кирувчилар: химиядан (оғзаки), физикадан (оғзаки), биологиядан (оғзаки), ўзбек тили ва адабиётидан (ёзма).

Иқтисод ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби мутахассислигига кирувчилар: математикадан (оғзаки), географиядан (оғзаки), биологиядан (оғзаки), ўзбек тили ва адабиётидан (ёзма).

Ўрмон хўжалиги мутахассислигига кирувчилар: математикадан (оғзаки), химиядан (оғзаки), физикадан (оғзаки), ўзбек тили ва адабиётидан (ёзма).

АРИЗАЛАР 15 ЯНВАРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари 16 январдан 15 февралгача давом этади.

Институтда ўқиш муддати — 6 йил. Бухгалтерия факультетида — 5 йил.

СССР Министрлар Советининг 2 июнь 1959 йил кўрсатмасига мувофиқ сиртқи бўлимга кирувчиларга иш жойидан 15 кун ҳисобида (институтга келиб-кетиш вақти ҳисобга кирмайди) иш ҳақи сақланмаган ҳолда отпуска берилади.

Аризалар қуйидаги адресларга топширилади: 700183, Тошкент-183, Тошкент қишлоқ хўжалик институти; 712000, Фарғона шаҳри, Қувасой кўчаси, 2«а»-уй. Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг Фарғона филиали. Сиртқи таълим факультетининг қабул комиссияси.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ Ҳ. Ҳ. НИЕЗИЙ НОМИДАГИ САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

бўлим мудирлари: тасвирий, амалий санъат ва архитектура; музика (фан доктори);

сектор мудирлари: театр ва хореография, ҳозирги замон архитектураси, санъат ва архитектура тарихи, музика маданияти тарихи (фан доктори), безак-амалий санъат, ҳозирги замон тасвирий санъати, кино ва телевидение (фан докторлари ёки кандидатлари);

катта илмий ходимлар: ҳозирги замон тасвирий санъати (2 ўрин), тасвирий санъат тарихи (4), безак-амалий санъат (3), архитектура тарихи ва назарияси (2), театр назарияси ва тарихи (3), кино ва телевидение тарихи ва назарияси (3), хореография, санъат назарияси, музика назарияси тарихи (2).

КОНКУРС МУДДАТИ — 10 НОЯБРГАЧА.

Мурожаат учун адрес: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Парадлар хиёбони, Телефон 39-46-77.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА СИВОРОТКА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ қон препаратлари лабораториясининг мудири ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ — 14 НОЯБРГАЧА.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-15, Кафанов кўчаси, 93-уй.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/Х да Испан миннатўраларн (билетлар сотилган), 26/Х да Севги ҳақида қисса.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/Х да Уйланиш, 26/Х да Ғариблар, 27/Х да Келинлар қўзғолони.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25/Х да Шаҳзода ва етим қиз, 26/Х да Ўжарлар, 27/Х да Йиллар ўтиб.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/Х да Ўқилмаган саҳифа.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ҚОЗОҒИСТОН ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ. «МУЎЖИЗАЛАР УЛКАСИ» (19.30).

СПОРТ

ВЕЛОПОЙГА:

РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНЛАРИ

Велосипед пойгаси бўйича Ўзбекистон шахсий-команда чемпионати баҳсларн қизғин спорт кураши остида ўтди. 25 километрга ўтказилган дастлабки пойгада тошкентлик армиячи А. Хрушчев мухлислар олқишига сазовор бўлди, Мазкур масофани 34 минут-у 0,3 секундда босиб, пешқадамлик қилди. Александр, шунингдек, команда пойгасида ҳам муваффақиятни қўлга киритиб, командадошлари В. Саенко, С. Лагутин, В. Терентьевлар билан биргаликда 75 километрлик масофани 1 соату 37 минут, 27 секундда босиб ўтишга эришди. 150 километрлик масофага ўтказилган пойгада халқаро классли спорт мастери, олмалиқлик Зоҳид Заҳриддинов голиблик қилди. У маррагача 3 соат-у 33 минут, 20 секунд вақт сарфлаб, республика чемпиони номига сазовор бўлди. Ўмумкоманда ҳисобида тошкентлик армиячилар олдига тушадигани топилмади. «Меҳнат» ва «Динамо» вакиллари иккинчи ҳамда учинчи фахрли ўринларни эгаллашди.

ФУТБОЛ:

ПЕШҚАДАМНИНГ МАВҚЕИ

Олий лига коллективлари ўртасида мамлакат чемпионатининг 27-тур ўйинлари поёнига етди. Кўпдан бери ўйинлар жадвалида карвонбошилик қилиб келаётган тбилисилик динамочилар мавқеларини янада мустаҳкамлашди. Динамочилар ҳозир назарий жиҳатдан бу йил мамлакат чемпиони бўлишлари муқаррарлигини исботлаб қўйдилар. Чунки, чемпионликка даъвогарлар қолган учрашувларни фақат ғалаба билан якунлашсагина тбилисилик динамочиларга етишлари мумкин. Даъвогарлар учун бу қанчалик осонмаслиги мухлисларга аён. Ўйинлар жадвалининг бугунги кўриниши:

	Ю	Д	М	Т	О
«Динамо» Тб	17	6	4	43-21	40
«Динамо» К	13	8	6	37-19	34
«Динамо» М	13	8	6	33-21	34
«Шахтёр»	14	5	8	36-18	33
«Черноморец»	11	10	6	37-23	30
«Торпедо»	11	10	6	32-23	30
«Спартак»	12	5	10	39-31	29
ЦСКА	11	4	12	31-38	26
«Пахтакор»	9	7	11	39-38	25
«Қайрат»	9	7	11	29-35	25
«Зенит»	8	8	11	30-40	24
«Нефтчи»	8	6	13	27-36	22
«Заря»	7	7	13	33-41	21
«Локомотив»	6	8	13	25-39	20
«Арарат»	7	4	16	16-39	18
«Днепр»	7	3	17	22-37	17

Ўтган кунги ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Динамо» (Тб) — ЦСКА — 4:1, «Торпедо» — «Черноморец» — 2:2, «Динамо» (К) — «Арарат» — 3:0.

БУТУНИТТИФОҚ АҲОЛИНИ РУҲИЯТА ОЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

ТОҒЛАР ВА БАРХАНЛАР ОША

Шу кунларда республика давлат статистика органлари ходимларининг столларида «Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати» белгиси қўйилган минглаб варақаларни кўриш мумкин. Бу — келгуси кампаниянинг қандайдир репетицияси эмас, ҳақиқий рўйхатнинг варақалари тўлдирила бошланди. Ҳисобчилар шу варақаларни олиб, тоғ тизмалари ортида ва чўлларнинг олис ичкарилигида жойлашган, кишда етиб бориш ҳозиргча қараганда анча қийин бўладиган қишлоқларга бордилар.

Бухоро, Жиззах, Қашқадарё ва Тошкент областларининг олис районларидаги жами мингга яқин аҳоли пунктида муддатидан илгари рўйхат ўтказилди. Бу ишларни партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари статистика органларига ёрдам қилиш учун ажратиб берган ҳисобчилар бажардилар. Олис қишлоқларга рўйхат варақалари билан борган активлар орасида колхозчилар, педагоглар, турли район ташкилотларининг ходимлари бор эди.

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг берган баҳосига кўра, олис районларда муддатидан илгари рўйхатга олиш тегишли даражада ўтказилган. Ҳисобчиларни инструктаждан ўтказиш учун ана шу рўйхат тажрибасидан фойдаланилади. Бу ҳисобчилар келгуси йилнинг январь ойи кунларида республиканинг миллион-миллион аҳолисини рўйхатга олишлари керак бўлади. (ЎзТАГ).

ТАНИ СОҒЛИК — ТУМАН ВОЙЛИК

ДАЛА ШИЙПОНЛАРИДА САНИТАРИЯ ПОСТЛАРИ

Бухоро областидаги Ленин номли колхозда терим мавсумининг ана шу долзарб кунларида пахтакорлар меҳнатининг санитария-гигиена шароитларига риоя қилинишн устидан қатъий назорат ўрнатилди. Хўжаликнинг барча дала шийпонларида санитария постлари ташкил қилинган.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ветерани Рўзимурод Шодмонов бошчилигида санитария пости ташкил қилинган, дала шийпонида озодалик ва тартиб ўрнатилган. Бу ерда бирламчи медицина ёрдами кўрсатиш учун ҳамиша зарур воситалар топилади, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат гигиенасига оид адабиётлар бор, ичак касалликлари ва шамоллаш касалликларининг профилактикаси тўғрисида, шикастланишнинг олдини олиш ҳақида медиклар мунтазам равишда суҳбат ўтказиб турадилар.

Узбекистон Кизил Ярим Ой жамияти марказий комитетида ЎзТАГ мухбирига маълум қилишларича, ҳозирги вақтда санитария активаларидан юз мингдан кўпроқ киши республика қишлоқ меҳнатчиларининг сиҳат-саломатлиги посбонлигида турибди.

(ЎзТАГ).

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Кўнгилдлар». Бадиий фильм. 11.30 — «Киносаёҳатчилар клуби». 15.05 — Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». 16.00 — «Ҳеч тугамайдиган лицей». 17.10 — «Жонажон табиат». 17.30 — «Фан оламида». 18.00 — «Горнчилар, қаердасиз?». 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Болаларга аталган шеърлар. 19.00 — «1978 йил қўшиқлари». 19.30 — «Партия йўлидаги». (репортаж). 20.10 — Арфа квартети чалади. 20.20 — «Болажайлар». Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — «Вақт». 22.00 — «Дўстларимиз чеҳраси». 22.45 — «Музикальная жизнь». 23.55 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — «Товуш йўлқинлари». 14.55 — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, Тошкент шаҳар ва Тошкент области комсомол комитетларининг Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг 60 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши. 18.00 — «Шоирлар — болаларга». 18.30 — «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш — даврининг энг муҳим масаласи». 18.50 — Фильм-концерт. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Концерт. 20.10 — «Ахборот». 20.30 — «Дўстлик экрани». 21.30 — «Вақт». 22.00 — «Пахтазор — мардлар майдони». 22.20 — «Бу Қўқонда содир бўлган эди». Бадиий фильм. 3-серия.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 19.30 — «Актриса». Спектакль. 20.10 — Ўқув кўрсатуви. 20.40 — Фильм-концерт. 20.55 — Янгиликлар. 21.15 — «Бизнинг бош мухбиримиздан». 21.45 — Назарий механика.

Радио

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Санъат усталарининг концерти. 9.30 — Ленин ҳақида қўшиқлар. 11.15 — Бунёдкорлар турнирида. 11.30 — Комсомол шон-шуҳрати ҳафталиги. 12.00 — «Ўзбекистан индустриальний». 13.00 — Қишлоқ — жиддий синов. 13.30 — Концерт. 14.00 — КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга! 15.00 — Москва. Бутуниттифоқ Коммунистик Ёшлар союзининг 60 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. 18.15 — Ўзбекистан спортивний. 18.30 — Миллиондар ленинча университети. 18.50 — Сўнгги ахборот. 19.20 — Қадимий ёдгорликлар — бебаҳо мерос. 19.40 — Тинчликсевар кучлар — замонамизнинг таъсирчан кучи. 19.50 — Чанг тароналари. 20.30 — Татар халқ қўшиқлари. 21.00 — Концерт. 21.30 — Шеърият кечаси. 22.30 — Бадиий ҳаваскорлар ижро этади. 23.20 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-85-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-18, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ — ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71, Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 55-35; Хоразм — 51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 38-42; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02831. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 245.